

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК 81'373.611**

ВОСИЕВА ШАХНОЗА ИСЛАМОВНА

**Инглиз ва ўзбек тилларида сўз ясаш усуллари
(от сўз туркуми аффиксация усули мисолида)**

5A220102-лингвистика (инглиз тили)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: доц. Гадоева М.И.

БУХОРО-2018

МУНДАРИЖА

Кириш	
I боб. СЎЗ ЯСАШ УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА	
1.1. Ўзбек тилида сўз яшаш усуллари	5
1.2. Инглиз тилида сўз яшаш усуллари	12
I боб бўйича хулоса	13
II боб. ОТЛАРНИНГ АФФИКСАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН ЯСАЛИШИ	
2.1. Инглиз тилида отларнинг аффиксация усули билан ясалиши.....	15
2.2. Ўзбек тилида отларнинг аффиксация усули билан ясалиши.....	58
II боб бўйича хулоса	59
III боб. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЯСАМА ОТЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	
3.1. Инглиз ва ўзбек тилларида ясама отларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари	61
3.2. Тил тизими ҳар хил бўлган тилларда ясама отлар.....	69
III боб бўйича хулоса	75
Хулоса	77
Адабиётлар рўйхати	79

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факултет: Филология
Шахноза

Магистратура талабаси: Восиева

Кафедра: Инглиз тилшунослиги

Илмий рахбар: ф.ф.н. Гадоева М.И.

Ўқув йили: 2016 - 2018й

Мутахассислиги 5А 120102

Тилшунослик (инглиз)

“Инглиз ва Ўзбек тилларида сўз яшаш усуллари” (от сўз туркуми аффиксацияси
усули мисолида) мавзусидаги магистрлик диссертацияси

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир тил ички ва ташқи манба асосида бойиб борар экан, жамият тараққиёти билан нафақат тилнинг лексик состави балки ички имкониятлари асосида ясалиш тизими ҳам ўзгариб боради. Сўз яшаш воситаларининг ҳозирги кунда кенг ривожланаётганлигини ҳисобга олсак, уларнинг фақат сўз яшаш воситаларининг ҳар икки ёки бир неча тилни таққослаб ўрганиш жараёнида ечимини топиши мумкинлиги долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Инглиз ва ўзбек тиллари грамматикасини қиёслаб ўрганиш яқиндагина бошланган бўлиб, ҳозирги пайтда тил тизими ҳар хил бўлган тилларда батафсил қиёслаш учун материал етарли эмас. Шу сабабли сўз ясалиши жумладан, от сўз туркуми тизимида аффиксация усули билан янги сўзлар ясалишини қиёслаб таҳлил қилиш ва унинг икки тилдаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш ишимизнинг мақсадини ташкил этади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

Тадқиқотимиз мақсади олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйишни тақозо этди;

- Инглиз ва ўзбек тилларида сўз ясалиши жумладан, от сўз туркуми тизимида аффиксация усули билан янги сўз ясалишига доир илмий тадқиқот ишларини ўрганиш.

- Сўз яшашнинг асосий восита ва усуллари, уларнинг тил тизимида тутган ўрнини аниқлаш.

- Инглиз ва ўзбек тилларининг морфологик структурасини ўрганиш ва уларнинг тилшуносликда тутган ўрнини кўрсатиш.

- Инглиз ва ўзбек тилларида сўз яшаш, жумладан, аффиксация усули билан от яшаш восита ва усуллари тилшуносликда яратилишини амалий ишлар орқали, масалан, ҳар икки тилдаги от ясалишига доир тўпланган мисолларни жадваллар орқали кўрсатиш ва уларнинг фарқларини тушунтириш.

Қўйилган ушбу вазифалар ишнинг таҳлил усулий ва баён қилиш тартибини белгилаб берди. Сўз яшаш воситалари тилшуносликда муҳим роль ўйнайди. Чунки улар орқали тил бойийди ва унда янги сўзлар ҳосил бўлади. Иш жараёнида, албатта, инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз яшаш жумладан, аффиксация усулида от яшаш воситаларини қиёсий таҳлил қилишга тўғри келади. Таъкидлаш лозимки, турли хил сатҳларга оид бўлган ходисаларни таққослаш генетик жиҳатдан узоқ бўлган тиллар қиёсланганда ва тил тизимидаги сатҳлараро от ясовчи қўшимчалар белгиланганда ҳамда қиёсланадиган тиллар тизими сатҳларининг ўзаро муносабати ўрганилганда, ўзини оқлайди. Шу туфайли биз ҳам иш жараёнида шуни кўрдикки, инглиз тилидаги сўз ясалиши қайсидир жиҳатлари билан ўзбек тилидаги сўз ясалишига қайсидир **жиҳатлари билан инглиз тилидаги сўз ясовчи қўшимчалар:**

а) унумли ёки (маҳсулдор) аффикслар

б) кам унум, (кам маҳсул) аффикслар.

в) унумсиз аффиксларга бўлинади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбек ва Инглиз тилларини белгилаб олдик.

Ушбу тилларда сўз яшаш усуллари эса ишимизнинг предметини ташкил этди.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг илм-фан, таълим-тарбия, чет тилларни ўрганишда доир асарлари ва фармонлари соҳа мутахассисларнинг мавзуга доир фундаментал асарлари ушбу тадқиқот ишининг методологик асосини ташкил қилади.

Биз тадқиқотимизнинг мавзусини ёритишда қиёсий ва аналитик семантик таҳлил каби методларидан фойдаландик .

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: мазкур тадқиқот ишида аффиксация усули билан от ясалишини инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий типологик таҳлил қилдик. Тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги от ясалиши батафсил ўрганилиб ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсий ўрганилди. . Шу жумладан, тил бирликлари қаторига кирадиган сўз ясаш усулларида бири бўлган айрим аффикслар алоҳида аҳамиятни касб этади. Айнан шу бирликларда ўша халқнинг миллий—маданий хусусиятлари яққол намоён бўлади ва уларни таҳлил қилиш биз танлаган мавзунинг янгилигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи аҳамияти тадқиқот ишидан инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикасини ўрганишда, курс ишлари ва битирув малакавий ишларида, шунингдек, шу соҳада иш олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби .Ушбу магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Мазкур тадқиқот иши магистрлик диссертацияси сифатида Инглиз тили ва кафедрасида бирламчи ҳимоядан ўтиб асосий ҳимояга тавсия этилди. У асосида илмий мақолалар тўпламида 3та, интернет саҳифасига 1та мақола берилган.

Хулоса ва таклифларнинг умумлаштирилган ифодаси. Сўз ясалиши кандайдир усул билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилишдир. Биз таҳлил ва тадқиқ қилган инглиз ва ўзбек тилларида олти хил усул билан янги сўз ҳосил қилинади. Шулар орасида аффиксация усули фаолдир. Аффиксация усулида от ясашда қиёсланаётган тилларда семантик жиҳатдан шахс отлари, мавҳум отлар, ўрин-жой отлари деярли бир хил ҳосил қилинган. Қиёсланаётган тиллардаги от ясовчи аффикслар қўшилиш ўрнига кўра ўзаро фарқланади. Инглиз ва ўзбек тилларида аффикслар қўшилиш ўрнига кўра префикс ҳамда суффикс характерида бўлади. Ушбу тилларда ясама сўзлар префиксация ва суффиксация усуллари билан ҳосил қилинади ва булар сўз ясалишининг фаол усуллари ҳисобланади.

Илмий раҳбар

доцент. Гадоева М.И.

THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
SPECIALIZED EDUCATION
BUKHARA STATE UNIVERSITY

Faculty: Philology

Master's student: Vosiyeva Sh. I.

Department: English language

Scientific Supervisor: Gadoyeva M.I.

Academic year: 2016-2018

Speciality: 5A120102 Linguistics (English)

**ANNOTATION OF DISSERTATION FOR THE MASTER'S DEGREE ON
THE THEME "The word formation in English and Uzbek languages" (In
Affixation of parts of speech of noun)**

The actuality of the theme of dissertation. Learning foreign languages, especially English was put up as one of the main tasks of our times after the First President's declaration on December 10th, 2012 called "On measures to further improve foreign language learning system". It has become important to study English taking into consideration the special care for youth, their upbringing and education. By learning foreign language, we don't just learn it but we also get to know about the country, culture, people, literature and linguistics of the same source language.

As we know, at this period there is existed about 5500-6000 languages in the world. And there is its own history, the main place, and the grace of these each language of course in the life of society. These languages can be varied with their genetic typological side, sociable sense does they have handwriting or not and number of speakers on these languages.

The culmination of the topic is accounted for that each language enriches by inner or outer source with the influence of development of society lexical combination of the language and inner possibilities the system of producing of the word differ as well as. At the present time the means of word producing are being developed while in the process of learning the methods or ways of the word producing of one or two languages the base is considered as the heat problem.

The aim and tasks of the dissertation. The aim of the research is to study the word formation of English and Uzbek languages and to compare and analyse the resemblance and variety of two languages. This aim puts the following tasks before us;

- to study the methods of words formation in English and Uzbek languages specifically in the system of noun with the way of affixation.
- to define the basic place or role in the system of language and the means methods of word formation.
- to study the morfological structure of English and Uzbek languages and their place in the linguistics.
- to study Practical works gathered examples referring to word formation of two languages with the schedule table and explanation of their difference by illustrating the collected examples in both languages and explaining their differences.

The object and the subject of the dissertation. The object of this research work is the comparison and analyses typologically of word formation in English and Uzbek languages of our dissertation work.

The methodological basis and methods of the dissertation

The works and decrees of the Prezident of the Republic of Uzbekistan on education and learning foreign languages, the scientific works of the specialists of this sphere on the theme make the methodological basis of the research.

In this research work methods of structural, formal, linguistic and comparative have been used.

The scientific novelty of the dissertation It is significant to solve different problems of using affixes and to compare the resemblance and different sides typologically in formation of noun in English and Uzbek languages using the method of affixation and .Analysing such kind of affixes in which the national cultural features being evident is the scientific novelty of our dissertation.

Practical and theoretical value of the research. The materials gathered for the following master's dissertation can be used in study of comparative grammar of

English and Uzbek languages course works and graduation qualifications as well as researchers working in this area.

The structure of the dissertation MD consists of introduction, three chapters, six paragraphs, conclusion and the list of used literatures.

The main results of the research. The following dissertation paper passed the preliminary defence and was recommended to the main defence. Three articles in the scientific manuals and one in the internet site was given according to the theme of dissertation.

Generalization of conclusion and advice. It is important to compare lexico-semantic and grammatical analyses in the way of developing word formation . Word formation is to create a new word, no matter what the method is used. In the English and Uzbek languages that we have analyzed and studied ; a new word is generated in six different ways. Including affixal method is very productive and active.

In comparing languages while creating nouns in the affixal way of the semantic sense person nouns abstract nouns expressing the place are almost identically created.

In English and Uzbek languages affixes instead of connecting they would be in the character of prefix and suffix. In these languages derivative words are derived by prefix and suffix method which are active methods of word formation.

Scientific supervisor _____ Gadoyeva M.I.

Student of master's degree _____ Vosiyeva Sh.I.

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги шу билан изоҳланадики, ҳар бир тил ички ва ташқи манба асосида бойиб борар экан, жамият тараққиёти билан нафақат тилнинг лексик состави балки ички имкониятлари асосида ясалиш тизими ҳам ўзгариб боради.

Сўз яшаш воситаларининг ҳозирги кунда кенг ривожланаётганлигини ҳисобга олсак, уларнинг фақат сўз яшаш воситаларининг ҳар икки ёки бир неча тилни таққослаб ўрганиш жараёнида ечимини топиши мумкинлиги долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбек ва Инглиз тилларини белгилаб олдик.

Ушбу тилларда сўз яшаш усуллари эса ишимизнинг предметини ташкил этди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади инглиз ва ўзбек тиллари грамматикасини қиёслаб ўрганиш яқиндагина бошланган бўлиб, ҳозирги пайтда тил тизими ҳар хил бўлган тилларда батафсил қиёслаш учун материал етарли эмас. Шу сабабли сўз ясалиши жумладан, от сўз туркуми тизимида аффиксация усули билан янги сўзлар ясалишини қиёслаб таҳлил қилиш ва унинг икки тилдаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш ишимизнинг мақсадини ташкил этади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

Вазифалар:

1) Инглиз ва ўзбек тилларида сўз ясалиши жумладан, от сўз туркуми тизимида аффиксация усули билан янги сўз ясалишига доир илмий тадқиқот ишларини ўрганиш.

2) Сўз яшашнинг асосий восита ва усуллари, уларнинг тил тизимида тутган ўрнини аниқлаш.

3) Инглиз ва ўзбек тилларининг морфологик структурасини ўрганиш ва уларнинг тилшуносликда тутган ўрнини кўрсатиш.

4) Инглиз ва ўзбек тилларида сўз яшаш, жумладан, аффиксация усули билан от яшаш восита ва усуллари тилшуносликда яратилишини амалий ишлар орқали, масалан, ҳар икки тилдаги от ясалишига доир тўпланган мисолларни жадваллар орқали кўрсатиш ва уларнинг фарқларини тушунтириш.

Қўйилган ушбу вазифалар ишнинг таҳлил усулий ва баён қилиш тартибини белгилаб берди. Сўз яшаш воситалари тилшуносликда муҳим роль ўйнайди. Чунки улар орқали тил бойийди ва унда янги сўзлар ҳосил бўлади.

Иш жараёнида, албатта, инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз яшаш жумладан, аффиксация усулида от яшаш воситаларини қиёсий таҳлил қилишга тўғри келади.

Таъкидлаш лозимки, турли хил сатҳларга оид бўлган ҳодисаларни таққослаш генетик жиҳатдан узоқ бўлган тиллар қиёсланганда ва тил тизимидаги сатҳлараро от ясовчи қўшимчалар белгиланганда ҳамда қиёсланадиган тиллар тизими сатҳларининг ўзаро муносабати ўрганилганда, ўзини оқлайди.

Шу туфайли биз ҳам иш жараёнида шуни кўрдикки, инглиз тилидаги сўз ясалиши қайсидир жиҳатлари билан ўзбек тилидаги сўз ясалишига қайсидир жиҳатлари билан инглиз тилидаги сўз ясовчи қўшимчалар:

- а) унумли ёки (маҳсулдор) аффикслар
- б) кам унум, (кам маҳсул) аффикслар.
- в) унумсиз аффиксларга бўлинади.

Ишнинг илмий янгилиги шундаки, мазкур тадқиқот ишида аффиксация усули билан от ясалишини инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий типологик таҳлил қилдик. Тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги от ясалиши батафсил ўрганилиб ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсий ўрганилди. . Шу жумладан, тил бирликлари каторига кирадиган сўз яшаш усулларида бири бўлган айрим аффикслар алоҳида аҳамиятни касб этади. Айнан шу бирликларда ўша халқнинг миллий—маданий хусусиятлари яққол намоён бўлади ва уларни таҳлил қилиш биз танлаган мавзунинг янгилигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ушбу диссертация ҳимоясида қуйидаги ҳолатлар муҳокама учун кенгаш аъзолари ҳукмига ҳавола этилади.

- 1) Инглиз ва ўзбек тилларида сўз ясалиши жумладан, от сўз туркуми тизимида аффиксация усули билан янги сўз ясалишига доир илмий тадқиқот ишларини ўрганиш.
- 2) Сўз яшашнинг асосий восита ва усуллари, уларнинг тил тизимида тутган ўрнини аниқлаш.
- 3) Инглиз ва ўзбек тилларининг морфологик структурасини ўрганиш ва уларнинг тилшуносликда тутган ўрнини кўрсатиш.
- 4) Инглиз ва ўзбек тилларида сўз яшаш, жумладан, аффиксация усули билан от яшаш восита ва усуллари тилшуносликда яратилишини амалий ишлар орқали, масалан, ҳар икки тилдаги от ясалишига доир тўпланган

мисолларни жадваллар орқали кўрсатиш ва уларнинг фарқларини тушунтириш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Президентимизнинг Ш.М.Мирзиёевнинг илм-маърифат ҳақидаги асарлари ҳамда таниқли олимлар жумладан, И.В. Арнолд, академик В.В.Виноградов, профессор Э.М.Умархўжаев, профессор А.А. Маматов, дотцент И.С. Солиев, мавзусига доир фундаментал асарлари ташкил этади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи

Маълумки ҳозирги даврда дунёда 5500 - 6000 га яқин тил бор.

Буларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, тақдири, жамият ҳаётида тутган ўрни, мавқеи бор, албатта.

Бу тилларнинг генетик жиҳати, типологияси, ижтимоий моҳияти, ёзувга эга ёки эга эмаслиги, унда гаплашувчиларнинг умумий миқдори каби белгилари билан фарқланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур" тарбия ва таълимнинг юқори даражасига кўтарилиши, миллат маънавияти ва билимдонлиги ривожини, халқ таълимининг инсоний- гуманитар хусусиятлари тўлиқ таъминланишини, илғор педагогик технологияни жалб қилиш асосида унинг тубдан янгиланишини ҳамда илму фан тараққиётини назарда тутди. Шу жумладан, тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг жадаллаштирилиши, миллий дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва таълим тизимини мукаммаллаштириш учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти аҳамияти тадқиқот ишидан инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикасини ўрганишда, курс ишлари ва битирув малакавий ишларида, шунингдек, шу соҳада иш олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.

Магистрлик диссертациянинг тузилмасининг тавсифи.

Иш кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I бoб. СЎЗ ЯСАШ УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА

1.1. Ўзбек тилида сўз яшаш усуллари

Сўз ясалиши тилшуносликнинг (лексикология, грамматика каби) мустақил соҳаларидан бири бўлиб, у янги сўз ясалиши, сўз яшаш усуллари ва, умуман, сўз ясалиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни ўрганади.

Сўз ясалиши термини икки хил ҳодисага нисбатан қўлланади: 1) умуман, сўз ясалиши, сўз ҳосил қилиниши ҳодисасини; 2) тилшуносликнинг сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганувчи бўлимни билдиради.

Сўз яшаш, қандай усул билан бўлса-да, янги сўз ҳосил қилиш демакдир: *иш* + *чи* — *ишчи*, *ҳозир* + *жавоб* — *ҳозиржавоб*, *беш йил* + *лик* — *беш йиллик* каби.

Тил тараққиёти жараёнида унинг лексикаси, грамматик қурилиши ва бошқа соҳаларида бўлгани каби, сўз ясалиши соҳасида ҳам турли ўзгаришлар юз беради. Масалан, сўз ясалиши типларининг актив ёки пассивлиги турли даврларда турлича бўлиши ёки тарихан ясама бўлган сўз ҳозирги ясалиш нуқтаи назаридан ясама ҳисобланмаслиги мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида ясама сўзлар жуда кўп. Лекин уларнинг ясалиши тарихий ёки ҳозирги ясалишга оид бўлиши мумкин. Сўз ясалишининг таҳлилида бу икки ҳодисани фарқлаш лозим.

Ҳозирги (синхрон) сўз ясалишида ясама сўз компонентлари ўртасидаги муносабат жонли бўлади, унинг маъносини компонентларининг маъно муносабати билан асослаш мумкин (шундай муносабат аниқ сезилиб туради): *тер* + *им*, *йиғ* + *им*, *ўр* + *им*; *арра* + *ла*, *ранда* + *ла*, *эгов* + *ла*; *инсоф* + *сиз*, *савод* + *сиз*, *кўрим* + *сиз* каби.

Ҳозирги (синхрон) сўз ясалишида камида иккита ясовчи компонент қатнашади. Булардан ҳеч бўлмаганда биттаси мустақил маъноли (предмет, белги, ҳаракат ва ш. к.) бўлади. Ясама сўзни юзага келтирувчи бу компонентлар

ясовчилар, уларнинг ўзаро муносабатидан (бирикишидан) ҳосил бўлган бирлик ясалма (ясама сўз) дейилади.

Ясалманинг юзага келишида қатнашувчи мустақил маъноли қисм ясовчи асос (ясалманинг асоси) ҳисобланади. Бундай асос содда ясама сўзда битта, кўшма сўзда бирдан ортиқ бўлади: *ишчи*: *иш* — ясовчи асос, - *чи* — ясовчи аффикс, *ишчи* — ясалма; *тошқўмир*: ясовчи асос — *тош* ва *қўмир*, *тошқўмир* — ясалма.

Агар сўз таркибида, юқорида айтилганидек, икки ясовчи компонент қатнашмаса, гарчи бу сўз таркибида ясовчи аффикс ёки мустақил маъноли қисм бўлса-да, шунингдек, сўзнинг маъноси билан сўз ясалишининг маълум типи ўртасида алоқадорлик сезилса-да, бу сўз ясама сўз бўла олмайди.

Масалан, *қаттиқ*, *юмшоқ*, *силлиқ* сўзларига эътибор беринг. Булардан *юмшоқ* сўзи *юмша* феълига -қ аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлганини сезиш қийин эмас (-қ аффиксининг таъсирида феъл охиридаги а товуши о товушига ўтган: *юмша*+қ — *юмшоқ*), Шунингдек, *юмшоқ* сўзи билдирган маънони *юмша* ва -қ ясовчилари маъноси билан асослаш мумкин: -қ аффикси предметнинг феъл англатган ҳаракат натижаси сифатидаги белгисини билдиради: *йиғиқ*, *қисиқ*, *ёпиқ*, *йиртиқ* каби. *Қаттиқ* сўзи ҳам аслида худди *юмшоқ* сўзи типиде ясалган.

Буни *юмшоқ* сўзи билдирган маънонинг юмшаш ҳаракати билан боғлиқлиги, *қаттиқ* сўзи билдирган маънонинг қотиш ҳаракати билан боғлиқлигидан ва иккаласида бир аффикснинг мавжудлигидан сезиб олиш мумкин. Лекин юз берган фонетик ўзгариш *қаттиқ* сўзининг *қот* феъли билан боғланишини жуда хиралаштириб, сезилмас даражага келтириб қўйган. Шунинг учун бу сўзни қисмларга ажратиб бўлмайди.

Силли сўзи ҳам шу типда ясалган. Лекин ясамалилик бу сўзда деярли сезилмайди. Чунки ҳозирги ўзбек тилида «сатҳини равон қилиш» маъносидаги *сили* (ёки «*сил*») феъли йўқ.

Демак, ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан *юшиоқ, илиқ, ўсиқ* кабилар ясама сўз. Лекин *суюқ, силлиқ, қуюқ* сўзлари ясама сўз эмас.

Баъзи сўзларда аффиксал қисм борлиги сезилиб туради, хатто уни бошқа аффикс билан алмаштириш ҳам мумкин. Бу ҳол мазкур сўзнинг аслида ясама бўлганини жуда аниқ кўрсатади: *тирик, тирил*. Лекин буларда ҳам мустақил маъноли қисм (ясовчи асос) бўлмаганидан уларни ясама сўз ҳисоблаб бўлмайди.

Хуллас, у ёки бу сўзнинг таркибида сўз ясовчи аффикс бўлса, хатто бу аффикс бир неча сўзлар таркибида учраса ҳам, лекин сўз таркибида мустақил маъноли компонент (ясовчи асос) қатнашмаса, бундай сўзларни ясама сўз деб бўлмайди. Уларнинг ясамалиги ё тарихий нуқтаи назардан ёки бошқа тил нуқтаи назаридан бўлади. Масалан, *ғовла, эмакла, ўдагайла, тарашила* сўзларидаги -ла аффиксининг феъл ясовчи аффикслиги аниқ. Демак, бу сўзлар тарихан ясама феъл. *Машинист, эгоист, коммунист; машиный, моддий, сиёсий* сўзларидаги -ист, -ий ҳам сўз ясовчи аффикс. Лекин буларда ҳам мустақил маъноли компонент (ясовчи асос) йўқ, шунинг учун ясовчи қисмларга бўлинмайди. Демак, ясама сўз эмас. Буларнинг ясама сўз экани қайси тилдан ўзлашган бўлса, ўша тил нуқтаи назаридангина бўлиши мумкин.

Бирор сўз таркибида мустақил маъноли қисм бўлса ҳам, лекин ундан қолган қисмнинг маъно ва вазифаси шу сўз доирасида қўйилмаслиги (билинмаслиги) мумкин: *кўчманчи, тиқмачоқ, бўғиз, белдамча, зарурат, пўстлоқ, қулоқчин, қолдиқ, босқич, шахсият, шодиёна, қўналга, бирор (бирон)* ва буларда ҳам мустақил маъноли компонент борлиги сезилиб турса-да, лекин ундан қолган қисмнинг сўз ясовчи экани сезилмайди, шунинг учун бундай сўзлар ҳам ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан ясама сўз ҳисобланмайди, ясовчи компонентларга бўлинмайди.

Баъзи сўзлар таркибида мустақил маъноли қисм ва ясовчи аффикс борлиги сезилсада, бу сўзнинг маъносини унинг қисмлари маъноси билан

асослаб, изоҳлаб бўлмайди: *безор, шолча, қишлоқ* кабилар. Бундай сўзларни ҳам ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан ясама сўз деб бўлмайди.

Демак, маълум бир сўзнинг таркибида мустақил маъноли қисм ёки ясовчи аффикснинг, ёки ҳар иккисининг борлиги сезилиб турсада, лекин бу сўзнинг маъносини ажралиши мумкиндек кўринган қисмлари маъноси билан асослаб бўлмаса, бундай сўз ҳозирги сўз ясалишига кирмайди. Бундай сўзлар ясовчи қисмларга бўлинмайди (буларда ясовчи асос + ясовчи аффикс ёки ясовчи асос + ясовчи асос ҳолати бўлмайди), уларда соддалашиш юз берган.

Соддалашиш жуда оддий ва жуда мураккаб кўринишда бўлади. Масалан, *бошлиқ* сўзида *бош* ва *-лиқ* қисмлари мавжуд, лекин ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан унинг ясовчи асос ва ясовчи аффикс каби қисмларга ажратиб бўлмайдиган ҳолга келганлигининг ўзи соддалашишдир. *Қизгин* сўзида соддалашиш жуда мураккаб кўринишга эга. Ҳозирги ўзбек тилидаги *қизи, чири, ачи, иси, чўчи* каби сўзларнинг охиридаги элементининг аслида ясовчи аффикс бўлгани сезилиб турибди. Лекин ҳозирги ўзбек тилида шу сўзлар билдирган маъно билан боғланадиган *қиз, чир, ач, сов, ис, чўч* сўзлари йўқ. Шунинг учун *қизи, чири, ачи, сови, иси, чўчи* сўзлари ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан туб сўз ҳисобланади. Бу феълларга -к (-к, -г) аффиксининг қўшилишидан (*темирни қизигида ур*), *чирик, аччиқ, совуқ, иссиқ, чучук* каби сўзлар (сифатлар) ясалган. *Қизгин, чиркин* сўзларининг *чирик, қизиқ*; («қизиган, иссиқ» маъносида) негизларига -ин аффикси қўшилишидан ясалганини ҳам сезиш қийин эмас. Лекин ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан бу сўзлар *қизиқ + ин, чирик + ин* каби қисмларга ажралмайди. Бу типда ясалган сўзлардаги -к (-к, -г) ва -ин аффикслари бирикиб бир аффикс ҳолига келган. Қиёсланг: *уоргин, сўгин* каби. Лекин *қизгин, чиркин* сўзлари *қиз + гин, чир + кин* каби қисмларга бўлинмайди. (Бу сўзлар *чири + кин, қизи + гин* тарзида ясалади, ўзакка ясовчи аффикс қўшилганда и тушади, деб асослашга уриниш ҳам тўғри бўлмайди.) Кўриниб

турибдики, аслида бир неча морфемадан ташкл топган *чиркин, қизгин* сўзлари соддалашиш натижасида ҳозирги ўзбек тилида туб сўз ҳолига келган.

Хуллас, ҳозирги сўз ясалишида икки ясовчи компонентнинг бири катнашуви, булардан эса камида биттаси мустақил маъноли бўлиши шарт. Ясама сўзнинг (ясалманинг) маъноси ана шу ясовчи компонентларнинг маъно муносабатига асосланган бўлади: *тер + им; тер* — ясовчи асос, -им — ясовчи аффикс; *белбоғ + ли: бел-боғ* — ясовчи асос, -ли ясовчи аффикс ва б.

Бу турдаги мураккаб сифатлар гап таркибида мослашган аниқловчи вазифасини бажарганида, аниқланмиш билан мослашув қуйидаги қоидалар асосида юз беради:

а) келишик, сон ва жинс билан грамматик ҳолатда мослашув таркибнинг биринчи компонента - сифат ҳисобига бўлади;

б) таркибнинг иккинчиси доимо аниқ ҳолатда ва қараткич келишигида ўзгаришсиз қолади. Мисоллар (ҳар икки ҳолат ва бош келишикда): "ҳаракатчан, тиришқоқ толиб" "узун бўйли ишчи аёл".

От+сифат тури. Бунда ҳам сўзлар ўзаро изофани ташкил қилади. Мазкур тўрнинг ёрқин мисоли (ғайрун) "ўзга, бошқа" иштирокида ясаладиганидир: қисқа (узун эмас), узун (қисқа эмас), эски (янги эмас) янги (эски эмас)

Композиция усули билан қўшма сўзлар ясалади: *туяқуш, ойболта, атиргул, ҳаво ранг, сотиб олмоқ, олиб келмоқ, ҳеч қачон, ҳар вақт* каби.

Демак, қўшма сўзлар икки усул: синтактик-лексик ва композиция усули билан юзага келади.

Семантик, фонетик ва синтактик-лексик усуллар билан сўз ясалиши тарихий ясалиш (диахрон ясалиш) ҳисобланади. Ҳозирги сўз ясалишига кейинги икки усул — аффиксация ва композиция усуллари киради, шу икки усул ҳозирги сўз ясалишининг ўрганиш объекта бўла олади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясалишининг энг актив усули **аффиксация усулидир**. Сўз ясовчи аффикслар бир қатор хусусиятларга эга.

Баъзи аффикслар бир хил маънодаги, баъзилари эса турли маънодаги сўзлар ясайди. Масалан, **-соз** аффикси бир хил маънодаги от ясаса (*асбобсоз, соатсоз* каби), **-чи** аффикси бир неча хил маънодаги отлар ясайди (*тракторчи, спортчи, нефтчи; жиноятчи, тухматчи* ва б.).

Баъзи аффикслар бир туркумга оид сўз ясаса, айрим аффикслар хар хил туркумга оид сўз ясайди.

Қиёсланг: *арава-каш* (от)— *пасткаш* (сифат); *бедаво* (сифат)—*бетиним* (равиш).

Сўз ясовчи аффикслар ўзбек тилида асосан суффикс характерида бўлиб, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда бошқа тиллардан ўтган, ўзак олдиға кўшилувчи аффикслар ҳам учрайди: *бегараз, нохуш, нотинч, антидемократия* каби.

Ўзга тилдан ўтган маълум сўзлар таркибида аффиксларни ўзбек тили нуқтаи назаридан сўз ясовчи аффикс ёки бундай аффикс эмаслигини баҳолашда икки ҳолатни ҳисобга олиш керак. Агар бундай аффикс ўзга тилдан ўтган сўздагина учраб, ўзбек тилида янги сўз яшаш учун хизмат қилмаса, бундай аффикс сўз ясовчи аффикс ҳисобланмайди ва у қўшилган сўз ўзбек тили нуқтаи назаридан ясама сўз дейилмайди.

Масалан, **-ист** аффикси *коммунист, идеалист* каби бошқа тилдан ўзлашган санокли сўзлардагина учрайди, ўзбек тилида янги сўз яшаш учун қўлланмайди. Демак, бу сўзлар ҳам ясама сўз эмас. Худди шу асосга кўра (гарчи ўзбек тилида *қонун, башар, аксар, айни, мажбур* каби мустақил сўзлар бўлса-да) *қонуният, башарият, аксарият, айният, мажбурият* сўzlари ҳам ясама сўз ҳисобланмайди. **-вий** аффикси эса *оилавий, мафкуравий* каби сўзлардан ташқари *техникавий, физикавий* каби сўзлар яшаш учун ҳам хизмат қилади. Шунинг учун бу аффикс ўзбек тили нуқтаи назаридан ҳам сўз ясовчи аффиксга киради.

Сўз ясовчи аффикслар содда ёки қўшма бўлади. Содда аффикс биргина аффиксдан иборат бўлади: -чи (*ишчи*), -им (*бўлим*), -ла (*ишла*), -чан (*ишчан*) каби.

Қўшма аффикслар икки ёки ундан ортиқ аффикснинг ўзаро бирикиб, бир аффикс ҳолига келишидан ҳосил бўлади. - **чилик** (*деҳқончилик*), -арли (*қизиқарли*), -гарчилик (*ёгингарчилик, намгарчилик*) каби.

Аффиксларнинг сўз яшаш даражаси бир хил эмас. Баъзи аффикслар жуда кўп миқдорда, баъзилари эса жуда кам миқдорда янги сўз ясайди. Шунингдек, айрим аффикслар ҳозирги кунда кўплаб янги сўзлар яшашда актив қўлланса, айримларининг эса сўз яшаш функцияси жуда чекланган бўлади. Ана шу фарқли хусусиятларига кўра сўз ясовчи аффикслар уч турга бўлинади:

- 1) у н у м л и (ёки м а ҳ с у л д о р) а ф ф и к с л а р ,
- 2) к а м у н у м (к а м м а ҳ с у л) а ф ф и к с л а р ,
- 3) у н у м с и з а ф ф и к с л а р .

У н у м л и а ф ф и к с л а р жуда кўп миқдорда янги сўзлар ясайди, шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида янги сўзлар яратишда ҳам актив иштирок этади. От ясовчи -чи, сифат ясовчи -ли, феъл ясовчи -ла аффикслари ана шундай аффикслардан ҳисобланади. Улар ҳатто интернационал сўзлардан от, сифат, феъл яшашда кенг қўлланади: *комбайнчи, бетончи, хлорли, кислотали, бетонламоқ, асфальтламоқ* каби.

К а м у н у м а ф ф и к с л а р унчалик кўп бўлмаган миқдорда сўзлар ясайди, шунингдек, ҳозирги вақтда янги сўз яратишда ҳам кам иштирок этади. Масалан, от ясовчи -дош (*мусобақадоиш, суҳбатдоиш, курсдоиш*) аффикси, сифат ясовчи -ма (*қовурма, чийратма, терма*) аффикси.

У н у м с и з а ф ф и к с л а р жуда кам миқдорда янги сўз ясалишида қатнашади, улар ёрдамида ҳозирги кунда янги сўз яратилмайди. Масалан, от ясовчи -гар (*савдогар, заргар*), -каш (*аравакаш*), сифат ясовчи -ағон (*торағот,*

чопагон, қопагон), **-мон** (билармон, иш билармон), феъл ясовчи **-(а)р оқармоқ, кўкармоқ**) аффикслари ана шундай аффикслар жумласидан.

Ўзбек тилида, сўз ясовчи аффикслардан ташқари, ўз хусусияти билан аффиксларга жуда яқин турадиган **-хона, -нома** каби сўз-аффикслар ҳам бор. Булар **а ф ф и к с о и д л а р** деб ҳам юритилади: *қабулхона, чойхона, дарсхона, ишхона, рухсатнома, талабнома, табрикнома, маълумотнома.*

1.2. Инглиз тилида сўз яшаш усуллари

Сўз яшаш усуллари турли тилларда турличадир. Сўз яшашнинг грамматик (аффиксация ва сўз қўшиш усули) семантик, фонетик, конверсия усуллари кўп тилларга хосдир¹. Буларнинг иштироки турли сўз туркумларида турличадир. Масалан, рус тилида префиксация ва постфиксация кўпроқ феълларга хос, суффиксация ва сўз қўшиш усули кўпроқ отларга хос. Ўзбек тилида аффиксация ва сўз қўшиш кўпроқ отлар учун характерлидир.

Сўз яшашда морфологик ҳодисалар ҳам ҳисобга олинади. Бунда сўз яшалиш жараёнида ясалувчи сўз таркибида ўзгаришлар (товуш ўзгаришлари) кўзда тутилади. Тил луғат таркиби тараққиётининг, асосан, тўрт усули мавжуд: грамматик усул, фонетик усул, семантик усул, сўз ўзлаштириш усули.

Грамматик усул. Тил луғат состави тараққиётининг грамматик усули тилнинг сўз яшаш моделлари ва сўз яшаш усулларига асосланади. Ҳар бир тилнинг ўзига хос сўз яшаш моделлари ва усуллари бор. Грамматик сўз яшаш усуллари сўз яшаш асоси ва ясалган сўз ҳамда сўз ясовчи воситаларга кўра ўзаро фарқ қилади. Сўз яшаш асоси ва ясалган сўзга кўра сўз яшалиши турли сўз туркуми доирасида бўлади: хизмат - хизматчилик, сон - сана - саноқ.

Сўз яшаш воситаларига кўра сўз қўшиш ва аффиксал (морфологик) усул билан сўз яшаш фарқ қилинади.

¹ Абдуазизов А.С. Тилшуносликка кириш. "Ўқитувчи".Т., 1982.,19-20 бетлар.

Сўз қўшиш усулида янги тушунча ифода қилиш учун икки ёки ундан ортиқ сўз бириктирилиб, бир сўз ҳолига келтирилади.

Бу усул билан қўшма сўзлар ҳосил қилинади: timekeeper, railway, station, ўзбек тилида музёра, темир йўл, сўз боши ва ҳ.к. Сўзларни қисқартириш ва қўшма қисқартма сўзлар (аббревиатура - латинча abbrevio ~ қисқартириш) ҳосил қилиш қоидалари ҳам шунга киради:

UNO – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти,

UzSWLU Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети,

USA - Америка Қўшма Штатлари.

Сўз қўшиш йўли билан сўз яшаш барча тиллар учун ҳосилдир. Бу усул айниқса қўшимчасиз, масалан, хитой, каби тилларда кенг ривожланган. Инглиз тилида морфологик (аффиксал) усул билан сўз яшашнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1) суффиксал усул:

work - worker иш ~ ишчи

read -- reader ўқиш - ўқувчи

2) префиксал усул: honesty - dishonesty, sense - nonsense, kind - unkind

3) суффиксал - префиксал усул:

Misunderstanding, reassurance

4) Фонетик усул. Бунда сўз таркибидаги товуш ўзгариши ҳамда уларнинг ўрнини ўзгартириш йўли билан янги сўз ҳосил қилинади: bad — ёмон; bat ~ кўршапалак.

5) Семантик усул. Тил луғат таркиби тараққиётининг бу усулида сўз маънолари ўзгариб боради. Фақат сўзлар эмас, уларнинг маънолари ҳам ўз тарихига эга. Сўз маънолари семантик жараёнлар ва сўз маъноларининг кўчиш қонуниятлари асосида ўзгаради. Сўз маъноларининг ўзгариши уларнинг нутқда қўлланишига боғлиқдир.

Сўз маъноларининг ўзгариш усули уч хил: сўз маъноларининг кўчиши, сўз маъноларининг кенгайиши, сўз маъноларининг торайиши.

Тил луғат таркибининг тараққиётида семантик усул яна қуйидаги кўринишларга эга:

6) омонимларнинг ҳосил бўлиши: work (иш), to work (ишламоқ);

7) сўз маъносининг тил тараққиёти боскичлари бўйлаб тақсимланиши. Меҳнат (labour) сўзи ўтмишда азоб-уқубат маъносини ифода қилган бўлса, ҳозир меҳнат, шараф ва шон ишига айланди. Native land (Ватан) сўзи илгари кулба, туғилган жой, ер маъноларини ифода этган бўлса, ҳозир бутун бир мамлакат маъносида қўлланилади;

8) турдош ва атоқли отлар муносабати. Бунда турдош отлар ўз маъносини торайтириб, атоқли отларга айланади. Victor (лотинча victor - ғолиб).

Волга (русча волга ~ влага). Анор (мева) каби атоқли отлар турдош отлар ўз маъносини кенгайтириб, турдош отларга айланади. Масалан, иприт (заҳарловчи модда) Белгиядаги Ипр шаҳри номи билан боғлиқ Голифе, Донжуан, Донкихот сўзлари ҳам мана шу типдадир.

Конверсия (лотинча conversio ~ айланиш) сўз яшашнинг семантик - грамматик усулининг алоҳида кўринишини ташкил қилади. Бунда бир туркумдаги сўз иккинчи бир туркумга ўтади: унинг лексик ва грамматик маъноси ўзгаради. Конверсиянинг асосий кўринишлари: субъективация, адъективация ва адвербализация. Бунда бошқа сўз туркумларидаги сўзлар от, сифат ва равишларга кучади.

I боб бўйича хулоса

Хуллас, ҳозирги сўз ясалишида икки ясовчи компонентнинг бири катнашуви, булардан эса камида биттаси мустақил маъноли бўлиши шарт. Ясама сўзнинг (ясалманинг) маъноси ана шу ясовчи компонентларнинг маъно муносабатига асосланган бўлади: *тер* + *им*; *тер* — ясовчи асос, -им — ясовчи аффикс; *белбоғ* + *ли*: *бел-боғ* — ясовчи асос, -ли ясовчи аффикс ва б.

Бу турдаги мураккаб сифатлар гап таркибида мослашган аниқловчи вазифасини бажарганида, аниқланмиш билан мослашув қуйидаги қоидалар асосида юз беради:

а) келишик, сон ва жинс билан грамматик ҳолатда мослашув таркибнинг биринчи компонента - сифат ҳисобига бўлади;

б) таркибнинг иккинчиси доимо аниқ ҳолатда ва қараткич келишигида ўзгаришсиз қолади. Мисоллар (ҳар икки ҳолат ва бош келишикда):

"ҳаракатчан, тиришқоқ толиб" "узун бўйли ишчи аёл"

От+сифат тури. Бунда ҳам сўзлар ўзаро изофани ташкил қилади. Мазкур тўрнинг ёрқин мисоли (ғайрун) "ўзга, бошқа" иштирокида ясаладиганидир: қисқа (узун эмас), узун (қисқа эмас), эски (янги эмас) янги (эски эмас)

Композиция усули билан қўшма сўзлар ясалади: *туяқуш*, *ойболта*, *атиргул*, *ҳаво ранг*, *сотиб олмоқ*, *олиб келмоқ*, *ҳеч қачон*, *ҳар вақт* каби.

Демак, қўшма сўзлар икки усул: синтактик-лексик ва композиция усули билан юзага келади.

II бoб. ОТЛАРНИНГ АФФИКСАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН ЯСАЛИШИ

2.1. Инглиз тилида отларнинг аффиксация усули билан ясалиши

Инглиз тилида от, сўз ясалиш муносабатига кўра энг бой сўз туркуми хисобланади. Турли сўз туркумига оид асослардан суффикслар ёрдамида сўз яшаш жуда кенг кўламда кўрсатилган. Инглиз тилидаги отлар бошқа сўз туркумларига нисбатан кўпроқ суффикс олади.

Суффикслар отнинг сўз туркуми сифатидаги белгиларидан бири бўлиб, улар ясама отнинг лексик - семантик маъносини торайтириб, айти пайтда отни маълум семантик гуруҳга мансублигини кўрсатади (шахс отлари, курул - асбоб отлари, мавҳум ва жамловчи отлар ва ш.к.).

Инглиз тилида от ясовчи суффикслар келиб чиқиши жиҳатидан турли хил. Фақатгина морфема сифатидаги суффикслар ва сўзларни қўшиш жараёнида мустақил сўзлардан юзага келган суффикслар; соф инглизча суффикслар ва ўзлаштирилган суффикслар. Инглиз тилининг луғат таркиби унумли суффикслар воситасида ясалган янги лексик бирликлар билан бойиб бораётган маҳсулдор суффикслар билан бир қаторда унумсиз ёки камунум суффикслар ҳам мавжуд. Бундай суффикслар бир ёки баъзи бир сўзларда ёки отнинг худди бир морфологик белгиси сифатида учрайди (киёсл. nature (от) сўзидаги - **ture** суффикси каби ва ҳоказо)

Шахс оти ясовчи суффикслар билан ясалган отлар. -er суффикси билан ясалган отлар.

Барча шахс оти ясовчи суффикслар орасида **-er** энг маҳсулдор қўшимча.

Қадимги инглиз тилида бу суффикс ёрдамида от ва феъллардан, асосдан англашилган фаолият тури билан шуғулланувчи шахс отлари ясалган. Масалан, cartere (зам. carter) '*аравакаш, юк ташувчи, киракаш*', writere (зам. writer) '*котиб, кўчириб ёзувчи, нусха кўчирувчи*'.

Ҳозирги даврда **-er** суффикси катта маҳсулдорликка ва кенг қўламдаги қўлланилишга эга бўлиб, узида шахс ва қурол - асбоб маъноларини сақлайди. Улар **-eri** ва **-er₂** суффиксларидир.

Агар бу суффикс олдин фақатгина феъл ва от ўзаклари билан бирика олган бўлса, бироқ ҳозирги даврда гарчи кам ҳолларда бўлсада, сифат ва сон ўзакларидан ҳам янги отлар ясайди.

От ўзакларига бирикиб, **-eri** суффикси ўзак ифодалагани маълум бир жой (шаҳар, қишлоқ, мамлакат, орол ва ш. к.)да яшовчи маъносини билдиради. Дарҳақиқат, бундай ҳолларда ясама сўзларнинг ўзаклари маълум бир жойни ифодаловчи отлар бўлиши зарур. Масалан: *villager* 'қишлоқда яшовчи, қишлоқи\hosteller 'ётоқхонада турувчи талаба'.

Жойга қарашлиликни ифодалайдиган сифат ўзаклари билан бирикиб, **-eri** суффикси худди шундай маъно англатади.

Масалан: *Britisher* 'британиялик'; *northerner* 'шимоллик'; *southerner* 'жанублик'.

-eri ўзакдан англашилган ўзига хос сифат ёки белги маъноларини ифодалаши мумкин. Шахс мана шу белги билан номланади. Бундай ҳолларда **-en** суффикси ранг, тус ёки хусусий белги маъноларини билдирувчи сифат ўзакларига қўшилади.

Масалан: *greener* (жарг.) ¹(эндигина) *янги келган одам, биринчи курс талабаси*'; *fresher* (жарг.) ¹*биринчи курс талабаси*'.

Баъзан **-ers** суффикси ясама сўз ўзаги кўрсатган ёшда бўлган шахсни ифодалайди. Бу хилдаги отларнинг ўзаклари сон сўз туркумига оид сўз бўлади (айниқса маълум бир ёш доирасидаги шахс маъноси). Масалан: *fifteeners and sixteeners* (оғз.) *"ўн беш ва ўн олти ёшли ўспирин, йигитча"*; *forty - niner* (оғз.) *"қирқ тўққиз ёшли одам"*.

Ясама отларнинг кўпчилигини феъл ўзагига -er₁ суффикси билан ясалган отлар ташкил қилади, феълларга бирикиб бу кўшимча турли бўёқдорликка (полисемияга) эга бўлган шахс маъносини ифодалайди:

а) Ясама сўзнинг ўзаги кўрсатган нарса билан доимий шуғулланувчи шахсни (ушбу шахснинг касбий фаолияти), масалан: sewer 'тикувчи, машиначи, этикдўз, тикувчи аёл'; singer 'ашулачи, ҳофиз'.

б) Айни пайтда маълум бир фаолият тури билан банд бўлган кишини: singer 'куйлаётган одам; (лекин ашулачи эмас)'; speaker 'гапираётган одам; (айни шу вақтда)'; player 'ўйнаётган одам' ва б.

в) Ҳаракатни ифодаловчи феъллар. Бунда туб сўз бўлган (феъл) иш, ҳаракатни ифодаласа, ясама сўз шу фаолиятни ижро этувчи шахсни англатади. Масалан: to fly 'учмоқ, самолётни бошқармоқ' (қиёсл. flier 'учувчи'); to climb 'юқорига чиқмоқ, тирмашмоқ, чирмашмоқ' (қиёсл. climber 'альпинист'); to swim 'сузмоқ' (қиёсл. swimmer 'сузувчи').

Ҳиссий сезги, зеҳн, идрок ва ҳис, туйғуни ифодаловчи феъллар. Масалан: to watch 'қараб турмоқ, кузатиб турмоқ, томоша қилмоқ, ҳушёр, сергак турмоқ' (қиёсл. watcher 'кўриқчи, қоровул').

Қурол - асбоб маъноли -er₂ суффикси феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни амалга оширувчи қурол, анжом, асбоб - ускуна, инструмент ва шу каби маъноларни ифодаловчи отлар ясайди. Масалан, to sow 'сеппмоқ, сочмоқ, экммоқ' (қиёсл. sower 'сеялка'); to scutch 'зигирнояни янчиб (титиб), пўстини ажратмоқ (тола олиш учун)' (қиёсл. scutcher 'льнотрепалка').

Феъл ўзакларидан -er₂ суффикси ёрдамида меҳнат қуроллари, мослама, асбоб - ускуна ва шу кабиларни ифодаловчи отлар ясалади ва бундай сўзлар одатда фан, техника ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига тегишли ўлади. Масалан: to compute 'ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқармоқ, санамоқ' (қиёсл. computer 'ҳисоблаш - ечиш қурилмаси, ҳисоблаш машинаси'); to flat 'текисламоқ,

тўғриламақ, силлиқ, бир текис, доим бир хил, баб - баравар қилмоқ' (қиёсл. flatter 'рихтовал болға, яссилайдиган (юпкалайдиган) болға');

-er₂ суффикси ясама сўз ўзаги (сон) ифодалаган бирлик қиймати миқдорига тенг бўлган пул маъносини берувчи отлар яшада ҳам қўлланилади. Масалан: *five* (оғз.) *'беш доллар; беш фунт стерлинг; беш сўм, беш сўмли пул'*; *tenner* (оғз.) *40 фунт стерлинг қийматли, 10 долларли банкнота*

-or суффикси ёрдамида ясалган сўзлар. Ўрта инглиз тили даврида роман тилларидан ўзлаштирилган сўзлар, шу жумладан, **-or** суффиксига тугалланувчи отлар тилнинг луғат таркибига пайдо бўлди.

-or суффикси фақат фан ва техника соҳасига мансуб феъл ўзакларидан Курол - асбоб маъносидаги янги отлар яшаши мумкин. Кўпинча бу физикавий, кимёвий, техникага оид ва бошқа терминлардир. Масалан: *insulator* *'изоляциятор (электр токи, иссиқлик ва ш.к.ни ўтказмайдиган модда, материал; махсус чиганоқ, ролик ва ш.к. (қиёсл. to insulate 'айирмоқ, ажратмоқ, изоляцияламоқ, бошқалардан ажратиб (яккалаб) қўймоқ')'*; *refrigerator* *'холодильник, совутгич (совутадиган, музлатадиган агрегат)'* (қиёсл. *to refrigerate* *'музлатгичга қўймоқ')'*; *lubricator* *'мойловчи, ёғловчи (ишчи)'* (қиёсл. *to lubricate* *'машина, автомашина, автомобильни ёғламоқ, мойламоқ, ёғ (мой, дори) суртмоқ, ёглаб (мойлаб) қўймоқ')'*.

Агар **-er** ва **-or** сўз ясовчи қўшимчаларини таққослайдиган бўлсак, **-or** суффикси куйидаги фарқли хусусиятларга эга:

Замонавий инглиз тилида **-or** суффикси одатда роман тилидаги ўзакларга бирикади ва фақат курол, асбоб маъносини ифодалайди.

-or суффикси фақат илмий тилга дахлдор бўлган феъл ўзаклари билан бирика олади ва илмий, техникага оид терминлар ясайди.

Қоида бўйича, **-er** суффикси бир бўғинли, камдан-кам ҳолларда икки бўғинли ва яна кўп бўғинли ўзаклар билан бирикади, ҳолбуки **-or** суффикси одатда икки

бўғинли ва кўп бўғинли ўзакларга қўшилади, лекин ҳозир деярли бир бўғинли феъл ўзаклари билан боғланмайди.

Кўпинча **-or** суффикси, таркибида **-ate** қўшимчаси бўлган феъл ўзакларига, ёки роман тилидаги сифатдош икки формасидан келиб чиққан ўзакларга бирикади (замонавий инглиз тилида бундай феъллар одатда **t** товушига тугалланади). Масалан: to collect - collector, to select - selector.

Илмий услубга хос бўлган **-or** суффиксли ясама сўзларга нисбатан **-er** суффиксли сўзлар оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади.

г) Гарчи шахс маъносидаги **-or** суффиксли кўпгина отларда феъл ўзакларини эркин ажратиб ва юқорида зикр қилинганларни семантик гуруҳлар (кўпроқ юридик ва сиёсий терминлар)га бирлаштириб бўлсада, бундай отларнинг бирортаси ҳам инглиз тили негизида ясалмаган. Улар барчаси роман тилларидан ўзлаштирилган эди. **-ee** суффикси ёрдамида ясалган сўзлар

Дастлаб **-ee** суффикси инглиз тилига юридик ва маъмурий тадбирлар объекти бўлган шахсни кўрсатадиган юридик ва административ терминлар таркибида кириб келди, масалан: donee 'совғани олувчи'; appellee 'айбланувчи, жавобгар'; assignee 'вакил (ҳарбий. тайинланган, белгиланган)'; presentee 'кандидат'.

Кейинчалик инглиз тили негизида бир қатор янги сўзлар ясалди. **-ee** суффикси нафақат роман тилларидан келиб чиққан ўзакларга, балким герман тилларидан келиб чиққан ўзакларга ҳам бирика бошлади. Масалан: drawee (фин.) 'трассат' to draw феълидан.

Иш - ҳаракатнинг фаол ижрочиси маъносини англатувчи **-er** ва **-or** суффиксларидан фарқли равишда, **-ee** суффикси шу фаолият объекти мазмунини ифодалайди. Бу фаолият объекти воситасиз ва воситали бўлиши мумкин, бу - янги сўз ҳосил қилинган феъл ўзаги ўзидан кейин қандай тўлдирувчи келишини талаб этишига боғлиқ. Масалан: employee 'ёлланма ишчи; хизматчи'; detainee 'махбус, бандит; қамаб қўйилган одам'.

- ее суффикси англиз тилида сўз ясовчи қўшимча сифатида кенг қўлланилмади. Бу суффикс камунумлигининг сабаби, асосан бу қўшимчага боғлана оладиган феъл ўзаклари семантик гуруҳларининг сон жиҳатдан камлигидадир: бу - 'бирова бирор нарсани топшироқ, қўлига бермоқ, ишониб топшироқ' маъносидаги феъллар (асосан юридик ва маъмуриятга оид терминлар). Масалан: to devise 'мол-мулкни топшироқ, бермоқ, **(қўчмас мулк, амлоқни)**васият қилиб қолдирмоқ' (қиёсл. devisee 'бирор нарсга берилган ёки бирор нарсга учун ҳуқуқ берилган одам, меросхўри, вориси (қўчмас мулк)').

Шундай қилиб, французча сифатдош икки суффикси англиз тилида иш-ҳаракатнинг объекти бўлган шахс маъносидаги от ясовчи суффикс сифатида мослаштирилган.

Француз тилидаги сифатдошдан ўзлаштирилган мажҳуллиқ маъносидан келиб чиққан, бу суффикснинг мажҳуллиқ маъноси, вақт ўтиши билан -er ва -or суффиксларининг конкрет маънолари таъсири остида баъзан янада умумлашган шахс маъноларига ўрин бўшатиб беради.

Шунинг учун замонавий англиз тилида иш-ҳаракатнинг фаол ижрочиси маъносидаги отлар -ее суффиксли бир қатор янги ясама сўзларни учратиш мумкин. Масалан: absentee 'келмаган, ҳозир бўлмаган ёки бирор нарсдан бош тортган киши'; refugee 'қочоқ'.

Гарчи -ее суффикси камунумли бўлсада, у англиз тилининг луғат таркибига вақти-вақти билан янги ясама сўзлар беради. Масалан: telephonee 'телефон орқали қўнғироқ қилинган киши'; quizzee 'сўровда қатнашувчи'; selectee '(ҳарбий хизматга) чақирилувчи'.

-ist ёрдамида ясалган отлар. Инглиз тилида сўз ясовчи элемент сифатида қабул қилинган -ist суффикси (F. -iste, L. -ista, Gr. -istes) замонавий англиз тилида нафақат роман тилларидан ўзлаштирилган сўзларда, балки янги ясама сўзларда ҳам учрайди.

Роман тилларида -ist суффикси от ўзакларидан от туркумидаги сўз ясар эди. Бу хусусиятини у англиз тилида ҳам сақлаб қолган. Ҳозирги кунда у от ва сифатлар билан бирика олади, гарчи сифат ўзакларидан ясалган отлар кам учрасада.

Янги сўзлар ясаб, -ist суффикси иш-ҳаракатни ижро этувчи шахс маъносини ифодалайди. Бироқ, ясама сўз ўзаги маъносига боғлиқ ҳолда -ist суффикси шу ўзак ифодалаган маънонинг турли жиҳатларини кўрсатади. У қуйидаги семантик гуруҳли ўзаклар билан боғлана олади: 1) Меҳнат қуроллари (машина номлари, мусиқа асбоблари ва ҳ.к.) ни англатувчи отлар. Бундай ҳолларда -ist суффикси, фаолияти ўзакдан англашилган предмет билан боғлиқ шахсни ифодалайди. Масалан: motor 'мотор, двигатель' (қиёсл. motorist 'моторист, моторчи'), machine 'машина' (қиёсл. machinist 'машинист').

Инсон меҳнат фаолиятининг турли соҳа номларини ифодаловчи отлар билан (фан, маданият, адабиёт, санъат ва ҳ.к.). Бундай ўзаклар билан боғланган -ist суффикси, ясама сўз ўзагидан англашилган фаолият соҳаси билан банд бўлган шахс маъносини ифодалайди. Масалан: technology 'технология' (қиёсл. technologist 'технолог'), geology 'геология' (қиёсл. geologist 'геолог').

Тарихда машҳур шахс номлари, фандаги турли таълимот, назария, оқим, маълум бир қарашларнинг авторларини билдирувчи отлар. Бундай отлар билан бирикиб, -ist суффикси, шу таълимот, назария, ғоявий оқим, фандаги йўналишлар, қарашлар ва шу кабиларнинг издошлари давомчиларини англатади.

Сиёсий ва илмий оқимларни билдирувчи отлар. Бундай семантик гуруҳ ўзаклари билан бирикиб, -ist суффикси шу оқим, йўналишларнинг

тарафдорлари, издошларини англатади. Масалан: communism 'коммунизм' (қиёсл. communist 'коммунист').

Бундай семантик гуруҳли отларнинг характерли хусусияти шундаки, одатда уларнинг таркибида, -ism суффикси бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, -ist суффикси сифатлар билан ҳам бирикиши мумкин. Бундай ясама сўзларнинг ўзаклари -al суффиксли ўзаклардир. Улар одатда ўзакдан англашилган илмий ёки сиёсий оқимларга карашлиликини ифодалайди. Масалан: natural 'табiiй' (қиёсл. naturalist 'табиатшунос, натуралист'), controversial 'жанжалли, мунозарали' (қиёсл. controversialist ('бахсчи, жанжалкаш')).

-ist суффикси ~ замонавий инглиз тилининг энг сермахсул суффиксидир. Manicurist 'маникюр қилувчи аёл'; columnist 'фельетончи, фельетон ёзувчи', 'шарҳловчи, кузатиб борувчи' ва бошқа шу каби янги ясама сўзлар бунинг яққол далилидир.

-ite суффиксли ясама отлар

Роман тилларидаги каби инглиз тилида ҳам (грек тилидан келиб чиққан) -ite суффикси икки асосий маънони ифодалайди:

- 1) маълум бир жойда яшовчи (мамлакат, орол, шаҳар ва ш.к.);
- 2) бирор бир таълимот, илмий ёки сиёсий оқимлар, назария ва шу кабиларнинг издоши, тарафдори, мухлиси.

Биринчи маъноси билан -ite суффикси атокли от ўзакларига бирикади. Масалан: Muscovite 'москвалик, рус киши, рус' (Muscovy 'Москва давлати' отидан); Main Streetite 'Бош кучада яшовчи' (Main Street 'Бош куча' сўзидан).

¹ Webster's New International Dictionary, Second Edition, Springfield, Mass., 1949. P. 98

¹ Jespersen, O. A Modern English Grammar on Historical Principles. Copenhagen, 1942, Part VI; Marchand, H. The Categories and Types of Present - day English Word - Formation. Wiesbaden, 1960 ва б. P. 162-163.

Ўз тараққиёти жараёнида шундай маъноли *-ite* суффикси атоқли от бўлмаган жой номлари билан ҳам бирика бошлайди. Бундай ҳолларда *-ite* суффикси ўзак кўрсатган жойга тез-тез қатнайдиған ёки ўша жойда истиқомат қиладиган шахс маъносини англатади. Масалан: *suburbanite* 'шаҳар атроф посёлкасида яшовчи'; *cityite* 'шаҳарлик киши'.

Иккинчи маъноси билан *-ite* суффикси, турли назария таълимот, сиёсий ва илмий оқим асосчилари ёки муаллиф, ёзувчилари номлари ўзаклари билан бирикади.

Замонавий инглиз тилида яна бир *-ite* суффикси мавжуд бўлиб, у шак - шубҳасиз юқорида кўриб ўтилган суффиксининг омоними ҳисобланади. Қулай бўлиши учун уни *-ite₂* суффикси деб белгилаймиз. У илмий тилда турли қазиб олинган минерал турлари, турли кислота тузларининг номи, портловчи моддалар, органик бирикмалар, кимёвий маҳсулотлар ва шу кабиларни англатувчи отлар ясада қўлланилади. Масалан: *barite* 'барит, оғир шпат', *lignite* 'лигнит, кулранг кўмир, паст навли кўмир'.

Айникса кўпроқ, —*ite₂* суффикси минерал номлари билан келади. Бундай отлар ясаб, у икки семантик гуруҳли сўз ўзакларига бирикади.

1) Маълум бир минерал, химиявий ёки портловчи модда ва шу кабиларни биринчи бўлиб кашф этган шахс ёки улар дастлаб топилган ёки аниқланган жойни англатувчи атоқли от ўзакларига. Масалан⁶: *hauerite* (after F. Von Hauer, Austrian geologist) 'гауерит, олтингугуртли марганек'; *yprite* (from Ypres, a town in N.W. Belgium) 'иприт, хантал, горчицали газ'.

2) *-ite₂* суффикси ёрдамида номланаётган ўша минерал, химиявий ёки портловчи модданинг ҳарактерли белги ёки хусусиятини ифодаловчи от ўзакларига. Масалан: *roburite* 'робурит' (портловчи модда) (лат. *robur* = strength); *sepiolite* 'сепиолит' (лат. *sepia* 'сепия (тўқ жигар ранг бўёқ)').

Туз номларини ҳосил қилиш учун *-ite₂* суффикси одатда, *-ous* суффиксли кислота номларини ифодаловчи от ўзаклари билан бирикади. Масалан: *nitrite*

'азот кислотасининг тузи' (nitrous acid 'азот кислотаси' сўзидан); sulphite 'олтингугурт кислотасининг тузи' (sulphurous acid 'олтингугурт кислотаси' сўзидан).

Шундай қилиб, замонавий инглиз тилида икки омоним суффикслари мавжуд: -ite₁ ва -ite₂. Уларнинг иккаласи ҳам унумли бўлиб, ўз қўлланиш доирасига эга.

-man суффиксли ясама отлар. Замонавий инглиз тилида **-man** қўшимчаси ёрдамида ясалган кўпгина сўзлар мавжуд. Масалан: hammerman 'болға урувчи, темирчи', Chinaman 'хитойлик', horseman 'отлиқ чавандоз, сувори' ва шу каби.

Бу хилдаги ясама отлар таркибидаги **-man** элементининг табиати ҳали тўлалигича аниқланмаган. Инглиз тилида сўз ясалиши ҳақидаги илмий адабиётларда **-man** қўшимчасининг сўз яшашдаги роли ҳақида кам сўз юритилади. Бунинг сабаби шундаки, шу кунга қадар баъзи бир инглиз тилининг лексикологлари **-man** элементини мураккаб қўшма сўзнинг компоненти сифатида қарайдилар⁷.

Бироқ, headman 'ишбоши, бошлиқ', ploughman 'ер ҳайдовчи' infantryman 'пиёда аскар' ва шу каби ясама сўзларда **-man** қўшма сўзнинг иккинчи компоненти, деган фикрга қўшилиш қийин. Кўриб чиқилган ясама сўзларда

-man унумли аффиксга хос бўлган барча сифат белгиларига эга ва деярли **-man** суффиксининг синоними бўла оладиган **-er** суффиксидан ҳеч бир фарқ қилувчи жиҳати йўқ. Масалан, қуйидаги сўзлар маъносини қиёслаймиз: hammerman ва hammerer ('болға урувчи, темирчи'), huntsman ва hunter ('овчи') ва ҳоказо.

-man суффикси билан ясалган сўзлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу қўшимча бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

У турли сўз туркумлари билан бирика олади: отларга (schoolman 'схоластик', seaman 'денгизчи'); сифатларга (Englishman 'инглиз', Manxman 'Мэн оролида туғилган киши'); феълларга (hangman 'осувчи, жаллод').

-man суффиксли ясама сўзларнинг аксарияти от ёки нисбатан камроқ; сифатдан ясалган отлардир. Феъл ўзакларига келсак, **-man** улар билан нисбатан кам бирикади. От ўзаклари билан бирикиб, **-man** ўзакдан англашилган предмет, курул, асбоб, восита ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган ҳолда фаолият юритувчи шахс ёки киши маъноларини англатади. Масалан: *iceman* 'альпинист; морожнийчи', *logman* 'дарахт (ёғоч) кесувчи', *postman* 'почтачи, хат ташувчи'.

Сифат ўзаклари билан бирикиб, **-man** элемента ўзак кўрсатган маълум бир жой (мамлакат, орол ва шу кабилар)да яшовчи шахсни англатади. Масалан: *Englishman* 'инглиз' (қиёсл. *English* 'Англияга ва инглизларга оид'), *Dutchman* 'голланд, голландиялик эр киши' (қиёсл. *Dutch* 'голландча').

-man элемента феъл ўзакларига бирикканда, ўзакдан англашилган фаолиятни амалга оширувчи шахс маъносини ифодалайди. Масалан: *hangman* 'осувчи, жаллод' (қиёсл. *to hang* 'осмоқ (қатл қилмоқ, ўлдирмоқ; қийнамоқ, азобламоқ)'), *watchman* 'қоровул, соқчи, посбон' (қиёсл. *to watch* 'қўриқламоқ, пойламоқ').

-man элементининг ҳарактерли хусусияти шундаки, у эркак жинсидаги шахсни билдиради. **-man** билан ясалган кўпгина сўзларни аёл жинсидаги шахсни англатувчи **-woman** билан ясалган параллел сўзлар билан зид қўйиш мумкин. Масалан: *keyman* 'телеграфист, телеграф ходими' - *keywoman* 'телеграфистка, телеграф ходимаси'; *workman* 'ишчи' - *workwoman* 'ишчи аёл'.

Баъзан **-woman** элементи ўрнида шу маънони берадиган **-maid** ишлатилади. Масалан: *milkman* 'сут соғувчи (сотувчи)' - *milkmaid* 'сут соғувчи (сотувчи) аёл'.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий инглиз тилида ёш муносабатига кўра кўпроқ нейтрал хусусиятга эга бўлган **-woman** элементи аёл жинсидаги шахс маъноли отлар яшашда афзалликка эга. **-maid** элементи асосан ёш аёл маъносини билдиради.

-man қўшимчали ясама сўзларнинг ёзилиши турлича бўлади: қўшиб ёзиладиган - *gunman* (амер.) 'қурулланган ўғри, жиноятчи, қотил'; дефис билан

ёзиладиган — gas - man 'газ ҳисоблари сайёр кассири'; ажратиб ёзиладиган - sound man 'товуш (овоз) оператори'; **-man** элементи ва ўзак ўртасида -s- инфикси билан - seedsman 'уруғ, зиравор сотувчи'.

-man элементли ясама сўзларнинг характерли хусусияти шундаки, асосий маъно сўзнинг иккинчи компонентиға тушадиган мураккаб кўшма сўзлардан фарқли равишда, уларда асосий маъно сўзнинг биринчи компонентида (ўзакда) сақланади, -man бўлса фактгина шахс маъносини кўшади холос. Масалан, куйидаги сўзларнинг маъноларини қиёсланг: railway, blackboard ва infantryman, cavalryman.

Абстракт маъноли ясама отлар.-ness суффиксли ясама отлар. Ҳали қадимги инглиз тили даврида ҳам унумли бўлган -ness суффикси инглизча мавҳум от ясовчи суффикслари орасида, шу кунга қадар грамматик абстракция табиатини ва сўз яшаш қобилятини сақлаб қолган ягона суффикс ҳисобланади. Ўз тараққиёти жараёнида у шундай кенг қўлланишга эға бўлдики, ҳозирға келиб унинг воситасида нафакат сифатлардан, балки бошқа сўз туркумларидан ҳам ва ҳатто аниқловчи вазифасида қўлланиладиган бутун бир сўз бирикмасидан ҳам абстракт отлар ясалади, ваҳоланки қадимги инглиз тилида у фақат сифатлар ва ҳолат, вазият ёки сифат маъноларини ифодаловчи сифатлашган сифатдош икки билан бирикара эди.

Замонавий инглиз тилида кўп сонли сифат ўзакларига ва аниқловчи вазифасида қўлланиладиган бошқа сўз туркумлари ўзаклари билан бирикиб, -ness суффикси, предметнинг мавҳумлашган хусусияти, сифати, ҳолати ёки белги маъноларини ифодалайди. Масалан: bashfulness 'уятчанлик, журъатсизлик, кўрқоқлик' ва ҳоказо. Одатда, -ness суффикси сифат ўзаклари билан бирикади. Масалан: wildness 'ёввойилик, ваҳшийлик, маданиятсизлик'.

¹ Дорский С. Л. Словообразование отвлеченных имен существительных в древнеанглийском языке. Минск, 1960, стр. 53.

Ясама сўзларга келсак, -ness суффикси, таркибида -y, -fill, -ous, -ive, - ed, -ish, -ward, -less, -ary (-ory), -ant, -worthy суффикслари бўлган ўзаклар билан бирикади.

Ўз маъносига кўра -ness суффикси билан бирикадиган барча сифат ўзаклари ва сифатлашган сўзлар бир семантик гуруҳга бириктирилади. Бу предметни сифати, белгиси, хусусияти, ҳолати ва ҳоказолар нуктаи назаридан тавсифловчи сўзлардир. Предметлар жонли ва жонсиз бўлганлиги учун, -ness суффикси билан бирикадиган ўзакларнинг семантик гуруҳларини икки туркумга ажратиш мумкин:

а) Жонли предметларга хос бўлган белги, сифат, хусусият, ҳолат ва шу кабиларни англатадиган сифат ўзаклари. Масалан: *adroit* 'эпчил, моҳир, уста, уддабурон' (қиёсл. *adroitness* 'уддабуронлик, эпчиллик, маҳорат, усталик') ва бошқа кўпгина сўзлар.

б) Жонсиз предметларга хос бўлган белги, сифат, хусусият, ҳолат ва шу кабиларни билдирувчи сифат ўзаклари. Масалан: *wide* 'кенг, бепоён, чексиз' (қиёсл. *wideness* 'кенглик, бепоёнлик, чексизлик', *the quality or state of being wide*) ва бошқалар.

Бироқ, -ness суффикси ёрдамида мавҳум отлар яшаш осон бўлсада, инглиз тилида ҳақиқатан мавжуд бўлган бундай суффиксли отларнинг сони кутилгандан анча кам.

Биринчидан, бу суффикс, одатда, таркибида -ate, -ant, -ent суффикслари бўлган ясама сифат ўзаклари билан бирикмайди, чунки бундай сифатлардан тилда аллақачон -апсу, -епсу, -асу суффикслари ёрдамида мавҳум отлар ясалган. Масалан: *delicate* 'хушмуомалали, назокатли, нозик табиатли' (қиёсл. *delicacy* 'нозиклик, одобилик, мулойимлик, назокат') ва бошқалар.

Иккинчидан, -ness суффикси таркибида -al, -ial, -an, -ian, -ar, -able суффикслари бўлган ясама сифат ўзаклари билан бирикмайди, негаки бундай

сифатлардан мавхум отлар -ity суффикси ёрдамида ясалади. Масалан: similar 'ўхшаш' (киёсл. similarity 'ўхшашлик') ва бошқа кўпгина сўзлар.

Шуни таъкидлаш аҳамиятлики, -ness суффикси бирикадиган кўпгина ясама сифатлар, дастлаб мавхум от ўзакларидан ясалган. Бу асосан -ful ва -у суффиксли сифатлар. Масалан: truthful 'ҳақиқатгўй, ҳаққоний, чин', faithful 'содик, садоқатли, фидокор, хато қилмайдиган', mighty 'кучли, қудратли, бақувват', greedy 'очкўз, қурумсоқ, ҳасис' ва шу қабила. Бундай мавхум отларнинг тилда мавжудлиги, шу отларга мос сифатлардан -ness суффикси ёрдамида ясалган отларни ортиқча қилиб кўрсатади.

Бироқ, truth, faith, might, greed қаби мавхум отлар, -ness суффиксли ясама сўзларга нисбатан анча кам мавхумлик даражасига эга. Бундан ташқари, -ness суффиксли ясама сўзлар, сифатдан англашилган хусусият, белги, сифат, ҳолатнинг умумий маъноларига эга. Масалан, қуйидаги отларнинг маъноларини қиёсланг: **faith** - 1) ишонч, эътиқод; 2) ишонч, дин; 3) виждонлилик, поклик, содиқлик, тўғрилиқ; 4) ваъда қафолат, ишонтириш; (trust; confidence; reliance; believing in God; a system of religious belief; honesty; sincerity; being loyal); **faithfulness** - содиқлик, тўғрилиқ (state of quality of being faithful); **truth** - 1) ҳақиқат, адолат 2) ҳаққонийлик, ростгўйлик (ҳарактер, хусусият ҳақида) 3) аниқлик, мослик, лойиқлик; 4) (тех.) жойига мослаб қўйишнинг, ўрнатишнинг тўғрилиги (sincerity; genuineness; conformity to truth in character and speech; sincerity and genuineness in expressing feeling or belief); **truthfulness** - ҳақгўйлик (инсон ҳақида), содиқлик, вафодорлик (quality of being truthful);

-ity суффиксли ясама отлар. Ўз маъносига кўра -ity суффикси -ness суффикси билан синоним. Шунинг учун замонавий инглиз тилида айна бир ўзакдан шу суффикслар ёрдамида ясалган от сўз туркумидаги жуфтликлар учрайди. Бироқ бу суффиксларнинг қўлланилиши қуйида кўрадиканмиздек бир хил эмас. Замонавий инглиз тилида -ity суффиксли мавхум отлар сони кўплигининг сабаби шундаки, (фақатгина В.К. Мюллернинг луғатида улар

тахминан 600 та), жуда кўп -ity суффиксли отлар ёки бевосита лотин тилидан ёки француз тили воситасида узлаштирилган бўлиб, уларнинг бир кисми бўлса, инглиз тилида инглизча ўзакларга нисбатан анча кўп бўлган лотинча ва французча сифат ўзакларидан инглиз тили негизида ясалган мавҳум отларни ташкил этади.

-able, -ible суффиксли сифат ўзаклари билан бирикиб, -ity суффикси ясама сўзнинг ёзилиши ва талаффузига таъсир этади. Қиёсланг: readable ['riidsbl] 'ўқилиши осон, равон ўқиладиган' - readability ['riido'biliti] 'ўқилиши осонлик, ўқишга қулайлик, ўқилиши қулай бўлган нарса'.

-ity суффикси сифат ўзаклари билан бирикканда кўпинча урғунинг ўрни ўзгаради. Масалан: 'acid - a'cidity, 'acid - a'cridity.

Бундай ҳоллар ҳам учрайдики, -ity суффиксининг қўшилиши ўзакда баъзи ўзгаришларга сабаб бўлади. Масалан: clear [k1ю] 'аниқ, равшан, тиниқ, яққол, тушунарли' — clarity ['klsenti] 'аниқлик, тиниқлик'; chaste ['tjeist] 'соф, покиза; ифбатли, маъсум, талабчан, қатикқўл, оддий, пухта, асл ' - chastity ['tjsestiti] 'ифбатлилик, покизалик, маъсумлик'.

Бунинг яққол сабаби шундаки, бундай мавҳум отлар роман тилларида ясалган эди. Шу сабабли отлар ва уларга мос сифатлар инглиз тилида турли вақтда, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда кириб келган⁹.

-ity суффикси одатда, ўзлаштирилган кўп бўғинли сифат ўзакларига бирикади ва ҳолат, сифат, вазият, белги ва шу каби маъноларни ифодалайди. Масалан: banality 'сийқаси чиққанлик', modernity 'замонавийлик, замон талабларига мослик' ва бошқа кўпгина сўзлар.

-ity суффикси билан бирика оладиган сифатлар қуйидаги семантик гуруҳларга бирлашади:

Бирор нарсага яроқли, лаёқатли, истеъдодли, қобилиятли, майли, иштиёқи бўлган' мажҳуллик маъносини билдирувчи сифатлар. Бундай сифатларнинг

формал белгиси -able, (-ible) суффикслари ҳисобланади. Масалан: changeable 'ўзгарувчан, бекарор' (қиёсл. changeability 'ўзгарувчанлик, бекарорлик').

Бирор нарсага мансуб ёки алоқадор, бирор нарсага хос бўлган сифат ёки хусусиятга эга' ва шу каби маъноларни ифодаловчи сифатлар. Бундай сифатларнинг ташқи белгиси -ed суффикси ёки соф ўзак-негиз ҳисобланади. Масалан: avid 'очкўз, иштиёқманд, қурумсоқ' (қиёсл. avidity 'очкўзлик, ҳирс, ҳасислик').

Бирор нарсага дахлдор бўлган нарсанинг кўплиги ва унинг тўлалиги' маъносини билдирувчи сифатлар. Бундай сифатларнинг ташқи ёки морфологик кўрсаткичи -ose, -ous суффикслари ҳисобланади. Масалан: adipose 'ёғли, семиз' (қиёсл. adiposity 'серёғлик, семизлик'); callous 'дағал, кўполлашган, қадокли, қаварган, бағри тош' (қиёсл. callosity 'кўполлик, қаварганлик, шафқатсизлик').

-ose, -ous суффиксли сифат ўзаклари билан бирикиб, -ity суффикси баъзи бир фонетик ва орфографик ўзгаришларга сабаб бўлади.

Биринчидан, -ity суффиксли ясама отларда асосий урғу -ose, -ous суффиксларига, иккинчи ¹ -ity суффикси, -ic қўшимчали сифат ўзакларига бирикканда, "с" ҳарфи ясама отларда [к] эмас, [s] деб талаффуз этилади, масалан: elastic - elasticity ва ҳоказо. Агар сифат товушсиз "е" ҳарфига тугалланса, -ity суффиксидан олдин "у" олиб ташланади. Масалан: chaste - chastity.

даражали урғу эса ўзак морфемага тушади. Масалан, қуйидаги жуфтликларнинг талаффузини қиёсланг: nebulous ['nebjʊbs] 'ноаниқ, хира, туманли' ва nebulosity [nebjʊ'lositi] 'ноаниқлик, хиралик, нотинчлик'.

Иккинчидан, ясама отларнинг ёзилиши ўзгаради. generous 'ҳимматли, олийжаноб, мурувватли' generosity 'мурувват, олийҳимматлик' grandiose 'жуда катта, буюк, улкан' grandiosity 'жуда катталиқ, буюқлик, улканлик' Аслини олганда, бу мисолларда мураккаблаштирилган суффикс —osity, -ous суффиксли сифат ўзакларига бирикади. -ose суффиксли сифатларга келсак, улардан -ity

суффиксли отлар яшашда -е ҳарфи тушиб қолади. Қиёсланг: *adipose* 'ёғли, семиз' ва *adiposity* 'ёғлилик, семизлик'. Мураккаблаштирилган -osity суффикси, -ity суффиксининг -ose қўшимчали сифатлар билан тез-тез қўлланилишидан юзага келган.

1) Бирор нарсага қарашли, тегишли, хос, мансуб, боғлиқ бўлган, эга бўлган, бирор нарса характер, хусусиятига эга бўлган маъноли сифатлар. Бундай сифатларнинг ташқи белгиси -al, -ical суффикслари ҳисобланади. Масалан: *cordial* 'юракка оид, самимий, чин' (қиёсл. *cordiality* 'сидқидиллик, самимият'); *fantastical* 'фантастик, ғаройиб' (қиёсл. *fantasticity* 'фантастиклик, ғаройиблик').

Бу хилдаги сифатларда ҳам -ity суффикси баъзи бир фонетик ўзгаришлар олиб киради. Сифатнинг асосий урғуси отнинг иккинчи даражали урғусига айланади. Асосий урғуни -al суффикси олади. Масалан: *plural* ['plɪəgəl] - *plurality* [plus'rasliti].

2) 'Бирор нарсага қарашли, тегишли, хос, мансуб бўлган, бирор нарсанинг хусусияти, сифати, формаси, ўхшашлиги ҳарактерига эга бўлган, бирор нарса таъсири остида иш кўрадиган' маъноли сифатлар. Бундай сифатларнинг ташқи кўрсаткичи: -ic, -ar, -ary, -or, -ive суффиксларидир. *necessary* 'муқаррар, керакли, зарурий' (*necessity* 'кералик, зарурият') *atomic* 'атомга оид' (*atomicity* 'валентлик').

Таркибида -ic, -ar, -ary, -or, -ive суффикслари бўлган сифатлардан -ity суффикси ёрдамида отлар яшашда ҳам баъзи бир фонетик ўзгаришлар кузатилади. Асосий урғу сифат суффиксига тушади ва кўпинча иккинчи даражали урғу пайдо бўлади. Қиёсланг: *atomic* [e'tomik] - *atomicity* [.æto'misiti].

-ary суффиксли ўзаклар -ity билан бирикканда қуйидаги хусусиятларга эга бўлади. -ary олиб ташланади ва ўзакка фақат -ity қўшилади. Қиёсланг: *necessary* - *necessity*. Асосий урғу ҳам олади.

Бирор нарсага мос, боғлиқ бўлган нарсанинг белги, хусусиятига эга бўлган маъноли сифатлар. Морфологик белгилари -il, -ile, -in, -ine суффикслари бўлган ушбу семантик гуруҳли сифатлар шундай маънони билдиради. Масалан: anile 'кампирларга хос бўлган, кампирча; ақли паст, заиф' (қиёсл. anility 'карилиқ, карилиқ ақли заифлиги'); feminine 'хотин-қизларга оид, заифона' (қиёсл. femininity 'хотин-қизларча назокат, зарофат').

Бу каби сўзларда ҳам урғунинг ўрни ўзгариши ва сўз ясовчи асосдаги баъзи унлиларнинг редукцияга учрашиши кузатилади. Қиёсланг: anile ['enail] -anility [a'niliti]; tensile ['tensail] - tensility [ten'siliti].

-ity суффиксли мавҳум отларнинг кўпчилиги илмий - техникавий адабиёт тилига хосдир.

-ism суффиксли ясама отлар. Инглиз тилида -ism суффикси, -isme суффиксли французча ўзлаштира сўзлардан кириб келган. Замонавий инглиз тилида -ism турли таълимот, назария, ижтимоий-сиёсий ва илмий қараш ва оқимларни англатувчи мавҳум отлар ясовчи суффикс сифатида кенг тарқалди. Масалан: Aristotelism, idealism. Айниқса XVIII-XIX асрларда фан ва техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда бу суффикс жуда катта маҳсулдорликка эга бўлди.

-ism суффикси ёрдамида сифат ўзакларидан ҳам, от ўзакларидан ҳам мавҳум отлар ҳосил қилиш мумкин. Бундай ҳолда -ism қуйидаги семантик гуруҳлар билан бирикади:

1) Маълум бир таълимот, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қараш ва оқимлар муаллифини билдирувчи атоқли отлар..

Маълум бир кишиларнинг турли фалсафий, илмий, ижтимоий-сиёсий таълимот ва оқимга бўлган муносабати, тарафдорлиги, мухлислиги, мансублигини англатувчи сифатлар. Бундай сифатлар одатда атоқли от ўзакларидан -an, -ian, -ean суффикслари воситасида ясалади.

Бирор нарсага тегишли, бирор нарса характер, хусусиятига эга, бирор нарсага ўхшаган бўлган, бирор нарсага хос бўлган, бирор нарсдан иборат бўлган, бирор нарса билан боғлиқ ва у билан иш олиб борадиган' маъноли сифатлар. Бундай фатлар одатда -al, -ic, -ive, -ary суффиксларини олган бўлади.

Бу семантик гуруҳдан -ism билан ясалган сўзлар орасида 50% қисми -al суффиксли сифатлардан ясалган отларга тўғри келади.

Ушбу семантик ¹ гуруҳли сўзлардан -ism билан ясалган отлар асосан илмий ва ижтимоий-сиёсий адабиётда қўлланилади, абстракт маъноли сифат номини атаб келади ва назария, оқим, таълимот ва шу кабиларни англатади. Масалан: convent' 'шартлилик, эскирганлик, қолоқлик, расм, таомил' (қиёсл. conventic !) didacticism 'дидактизм, насихатомузлик' (қиёсл. didactic).

Бирор бир миллат, халқ, мамлакат, маълум бир жой ва шу кабининг тилини англатувчи сифатлар. Бундай ҳолларда -ism суффикси нутқнинг характери ёки и лектизм (шеваларга хос сўз, ибора) маъноларини ифодалайди. Масг : Americanism, vulgarism, newspaperism.

Ёзувчи услуб ифодалаш учун ҳам шунга ўхшаш отлар ясалади. Бундай ҳолларда - суффикси шу авторнинг исмини ифодаловчи атоқли от ўзаклари билан. Масалан: Byronism, Pushkinism.

Тилда услубий бўёқдорликка эга бўлган -ism суффиксли ясама сўзлар учрайди. 1 . ялдаги сўзлар ясаб, -ism суффикси менсимаслик ёки камситиш маъно дорлигига эга бўлган от ва сифат ўзаклари билан бирикади. У ясама с т. кўпинча тахаллус ёки доктрина, таълимот, назария, тушунчасини ифодалайди: egotism 'эготизм, манманлик', blackguardism 'разолат, кабиҳлик, қабоҳат', gangsterism 'гангстеризм, гангстерлик'.

Тиббиётда қўлланиладиган -ism суффиксли сўзлар кўпинча нормага тўғри келмайдиган ҳолат маъносини ифодалайди. Масалан: alcoholism 'алкоголизм, ичкиликбозлик', deafmutism 'гунглик, кар - соқовлик'.

-ism суффикси ёрдамида мавҳум отлар яшашда, баъзи бир морфологик ва фонетик ўзгаришлар юз беради.

Биринчидан, баъзи ҳолларда -ary, -ic, -ent қўшимчали сифат ўзакларининг қисқариши юз беради. Масалан: exclusionism < exclusionary, somnolism < somnolent, cynicism < cynic.

Иккинчидан, агар -ism суффикси ёрдамида диалектизм, фразеологизм, нутқ; хусусияти маъноларини англатувчи отлар ясалса, у ҳолда -ism суффикси бирикадиган сифатнинг қўшимчаси (одатда, бу —ish суффикси) ҳам олиб ташланади ва мураккаблаштирилган -icism қўшилади. Масалан: Irish— Iricism, British—Briticism.

Учинчидан, -ar қўшимчасига тугалланувчи сўзларда, ўзакнинг охириги товуши [r] деб талаффуз этилади. Масалан: secular ['sekjula] 'эл-юртга оид, дунёвий, аристократик' — secularism ['sekjubrizam] 'дунёвийлик, аристократизм'.

Тўртинчидан, -ism қўшилганда -ic суффиксли сифатнинг [к] жарангсиз ундоши [s] га айланади. Қиёсланг: classic ['klassik] - classicism ['klassisizm]; didactic [di'dektik] - didacticism [di'daktisizm].

-ship суффиксли ясама отлар. Инглизча -ship суффикси сўзларнинг ўзаро қўшилиши жараёнида мураккаб қўшма сўзнинг иккинчи компоненти бўлган ('руҳий ҳолат, кайфият; майл, вазият, унвон, мансаб, лавозим') маъноли scipe отидан пайдо бўлган ва такомиллашган.

Замонавий инглиз тилида -ship суффикси фақат от ўзакларидан мавҳум отлар ясай олиши мумкин. Ўзаклари сифат сўз туркуми бўлган -ship суффиксли ясама отлар қадимги ва ўрта инглиз тили даврларида ясалган.

Масалан: falseship 'ёлхонлик, сохталик, аҳдини бузиш, хиёнаткорлик', wildship 'ёввойилик, ваҳшийлик, маданиятсизлик'.

Шундай қилиб, замонавий инглиз тилида -ship суффикси отлашган ўзаклардан мавҳум отлар яшаш учун қўлланилади:

Ҳолат ва сифат маъносини (жамловчи маъно буёқдорли). Бундай ҳолларда -ship шахсни англатувчи от ўзаклари билан бирикади, ва уларга ўзак ифодалаган нарсанинг сифати, ҳолати, вазияти ('state, condition or quality of being what the stem denotes') маъноларини беради.

Масалан: authorship 'авторлик, муаллифлик' ('state or quality of being a director'), friendship 'дўстлик, биродарлик, ошнолик, аҳиллик' ('state of being friends').

Лавозим, касб, унвон, мансаб маъносини. Бундай маънони ифодалаб ҳам -ship суффикси яна муайян фаолият тури билан шуғулланадиган шахсни англатувчи от ўзаклари билан бирикади. Масалан: championship 'чемпионлик мартабаси, унвони', chairmanship 'раислик лавозими, мансаби'.

Таркибида -man (-woman) элементлари бўлган от ўзаклари билан бирикиб, -ship суффикси касб, ҳунар, усталик, маҳорат, санъат маъноларини ифодалайди. Масалан: ropemanship 'дорбозлик санъати, алпинистлик маҳорати', statesmanship 'давлатни бошқариш санъати' ва бошқа кўпгина сўзлар.

Шундай ясама сўзлар қатори борки, уларда -ship суффикси (умумийлик маъноси) жамловчи маънони ифодалайди. Бундай мавҳум отларни ҳосил қилиш учун ушбу суффикс, шахсни ёки (анча кам ҳолларда) аҳоли пунктларини англатувчи от ўзаклари билан бирикади.

Масалан: partnership 'компания, улфатлар, жўралар, ўртоқлар, улфатчилик, шерикчилик, ширкат', township ('the inhabitants of a town, a community')

Замонавий инглиз тилида -ship суффикси камунумли. У фақатгина 'касб, ҳунар, усталик, маҳорат, санъат' маъноли абстракт отлар ясайди. Марчанд¹ таъкидлаганидек, ҳозирги кунда -ship суффикси бошқа маънолари билан қўлланилмайди.

-dom суффиксли ясама отлар. Қадимги инглиз тили даврида иккинчи компоненти -dom бўлган кўпгина мураккаб қўшма сўзлар ясалган. Ўрта инглиз тили даврига қадар бу компонент унумли сўз ясовчи суффикс сифатида шаклланди¹⁰.

Замонавий инглиз тилида -dom фақат от ўзакларидан мавҳум отлар ясайди ва бир неча маъноларни ифодалайди:

- 1) Олий ҳоқимиятга эгалик қилувчи шахс маъносини билдирувчи от ўзаклари билан бирикиб, -dom суффикси шу шахс ҳукмронлиги ёйилган территория, мамлакат, қарам ер, улка маъноларини ифодалайди. Масалан: kingdom 'қироллик', earldom 'графлик'.
- 2) -dom суффикси кўпинча сўз ясовчи ўзак кўрсатган шахснинг жамиятдаги ўрни, мансаби, мартабаси, лавозими, вазифасини ифодалайди. Унинг бу маъноси қадимги инглиз тили давридан бизнинг кунга қадар етиб келган: thralldom 'қуллик' (thrall 'қул' сўзидан); pryncedom 'шахзодалик мартабаси, унвони' (prync 'принс, шахзода' сўзидан).

Баъзи мавҳум отларда -dom суффикси икки маънони ифодалайди: мансаб, унвон, мартаба маъноси ва территория, мамлакат, мулк, қарам ер, улка маъноларини. Қиёсланг, масалан, earldom 'графлик, графлик унвони, графлик қарам ерлари'.

- 3) Замонавий инглиз тилида жамловчи маъноли -dom суффикси кенг қўлланилади. Маълум бир урф-одати, қизиқишлари ва шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи муайян бир синф ёки гуруҳ, кишиларнинг умумийлигини ифодалайди.

Бундай ҳолларда -dom суффикси шахс оти ўзаклари билан бирикади. Масалан: artistdom 'санъаткор, рассомлар олами, муҳити, ораси' (artist 'артист, моҳир, уста, санъаткор, рассом' сўзидан); beggardom (beggar 'гадой, қашшоқ' сўзидан).

Жамловчи маъноли -dom суффикси, спорт, кино, театр ва шу кабиларга тегишли от (шахс оти бўлмаган) ўзаклардан мавҳум отлар яшаш учун кенг қўлланилади. Сўзларнинг бу гуруҳи инглиз тилининг америка вариантыга хосдир. Масалан: moviedom (movie 'кино' сўзидан); theatredom (theatre 'театр' сўзидан); athleticdom (athletics 'атлетика, гимнастика' сўзидан).

-dom суффикси менсимаслик, камситиш, хўрлаш бўёкдорлигига эга бўлган жамловчи маъно ифодалаши мумкин. Бундай ҳолларда у ўз маъносида салбий баҳо элементларини олган шахс оти ўзакларига бирикади. Масалан: savagedom (savage 'ёввойи одам, ваҳший').

4) -dom суффикси кўпинча 'ўзак кўрсатган нарса ёки шахс дунёси, оламини билдирувчи мажозий (образли) маъноли мавҳум отлар яшаш учун қўлланилади. Бундай ҳолларда -dom шахс ва шахс оти бўлмаган ўзаклар билан бирикади. Бундай ясама сўзлар шу шаҳарда яшовчи кишиларни, уз хусусиятлари, урф-одатлари ва ҳаёт тарзига кўра, худди бир умумийлик, иттифок, муайян бир синф ёки гуруҳ кишилари сифатида тавсифлаб англатиб келади. Масалан: boydom (boy 'ўқувчи, мактаб бола, ўғил бола' сўзидан); doll-dom (doll 'қўғирчоқ' сўзидан) ва ҳоказо.

'Ўзак кўрсатган кишиларнинг дунёси, олами' маъноли -dom суффикси ҳайвон номлари билан ҳам бирика олади: dogdom, catdom, micedom.

- dom суффиксли ясама сўзлар кўпроқ (конкрет) муайян маъноли бўлиб, ўзакдан англашилган нарса, кишиларнинг умумийлиги, муштараклигини ифодалайди.

-hood суффиксли ясама отлар. -hood суффикси 'ўзига хос хусусият, вазият, ижтимоий табака, мартаба, ҳолат' маъноларини ифодаловчи кадимги инглизча мустақил had сўзидан келиб чиққан ва мураккаб қўшма сўзлар яшашда қўшма сўзнинг иккинчи компоненти сифатида қўлланилган¹¹.

¹¹ Дорский С. Л. Указ. Соч., стр. 119.

Инглиз тилида сифат ўзакларидан -hood ёрдамида мавҳум отлар яшаш ҳеч қачон махсусдор бўлмаган, чунки бу вазифани доим -ness суффикси бажарган.

От ўзаклари билан бирикиб, -hood суффикси ўзакдан англашилган шахснинг муносабати, ўрни ва ҳолатини ифодалайди. Бундай ясама сўзларда кўпинча суффикснинг жамловчи маъноси намоён бўлади. Бундай маъноси билан -hood қуйидаги маъноларни англатувчи от ўзаклари билан бирикади:

Кишиларнинг оилада тутган ўрни муносабатини (қариндошлик алоқалари ёки муносабатларини): brotherhood 'биродарлик, қардошлик, дўстлик муносабатлари; бир қасбдаги кишилар, иттифок'; parenthood 'ота- оналик';

Кишиларнинг ёш хусусиятига муносабати: babyhood, girlhood, womanhood.

Кишиларнинг оиладаги ўрни ёки ҳолати муносабатини: bachelorhood 'бўйдоқлик ҳаёти, сўққабош ҳаёт', widowhood 'бевалик, уетим-сирлик, туллик (эркаклар тўғрисида)'.

Кишиларнинг ижтимоий ўрни ҳолати муносабатларини (мартабаси, унвони, лавозимини): priesthood 'кашиш, поп, руҳоний мартабаси, мансаби, лавозими'.

Ҳозирги кунда -hood кам унумли суффикс. Унинг ёрдамида айниқса қуйидаги ҳоллар учун (nonce-words) янги сўзлар ясалади.

Ҳайвон, жонивор, қушлар номларидан, бунда у ҳолат, вазият ('status of ...') маъноларини ифодалайди: bearhood, doghood, chickenhood.

-ation суффиксли ясама отлар. XIII-XIV асрларда инглиз тилининг луғат таркиби, ўз таркибида -ion, -tion, -sion, -ation, -fication суффикслари бўлган роман тилларидан ўзлаштирилган ясама мавҳум отлар ҳисобига сезиларли даражада бойиди: attention, creation ва ҳоказо.

Кўпгина феъл ўзакларидан мавҳум отлар ясаб, -ation (-ion, -fication) суффикси уларга иш-ҳаракат, фаолиятнинг ҳолати, шароити, ўзак ифодалаган

¹ Дорский С. Л. Указ. Соч., стр. 119.

вокеа, ходисанинг жараёни, ёки ўзак кўрсатгандек амалга оширилганлик ҳолати. Масалан: *botheration* ('act of bothering or state of being bothered') 'безовталиқ, ташвиш, безовта қилиш'; *characterization* ('act, process or result of characterizing') 'характеристика, таъриф, тавсиф, хусусият'.

-ation (*-ion*, *-fication*) ёрдамида мавҳум отлар ҳосил қилинадиган феъл ўзаклари бир семантик гуруҳда бирлашади, чунончи: 'ясовчи ўзак кўрсатган нарсага айланмоқ, ўша нарсани амалга ошириш ёки у билан шуғулланиш, ўзак кўрсатган нарсадек бўлмоқ, ўша ҳолга тушмоқ;' маъноли феъллар. Бундай феъллар ўзларининг формал белгиларига кўра уч гуруҳга бўлинади:

-ify суффиксли феъллар, *-ize* суффиксли феъллар, *-ate* суффиксли феъллар.

Ўз таркибида сўз ясовчи суффикслари бўлмаган феъллар:

-ify суффиксли феъл негизларидан мавҳум отлар яшаш учун *-fication* сўз ясовчи элемента ишлатилади: *simplify—simplification*.

Агар феъл негизлари **-ize** куншмчасига тугалланган бўлса ёки сўз ясовчи суффикслари умуман бўлмаса, у ҳолда мавҳум отлар ҳосил қилиш учун *-ation* шакли қўлланилади: *militarize—militarization*, *export—exportation*.

Қачонки сўз ясовчи асос **-ate** қўшмчасига тугалланган бўлса, бундай ҳолларда *-ion* шакли ишлатилади: *re-educate — re-education*.

-ation суффиксининг барча кўриб чиқадиган шакллари орасида, *-ation* шакли ҳозирги кунда мавҳум отлар яшаш учун кенг қўлланиладиган ягона суффикс ҳисобланади. *-ion* шакли анча кам ҳолларда ва *-fication* унданда камроқ ҳолларда қўлланилади.

Бунинг сабаби шундаки, фан ва техника тараққиёти билан замонавий инглиз тилида **-ize** суффиксли кўпгина янги феъллар пайдо бўлади ва мос равишда улардан *-ation* ёрдамида отлар ясалади. **-ate** ва **-ify** қўшимчали феълларга келсак, неологизмлар луғатларида улар камдан-кам учрайди.

-ation (*-ion*, *-fication*) суффиксларининг феъл ўзаклари билан бирикиши айрим фонетик ва график ўзгаришларга сабаб бўлади.

-ation суффикси **-ize** кўшимчали негизларга қўшилганда негиздаги товушсиз е ҳарфи ёзувда тушиб қолади. Ясовчи асоснинг асосий урғуси ясама сўзда иккинчи даражали урғуга айланади, ва -ation суффиксининг биринчи бўғини асосий урғу олади:

acclimatize [a'klaɪmstaɪz] - acclimatization [aklaɪmstaɪ'zeɪʃən].

Қачонки -ation суффикси таркибида сўз ясовчи суффикслари бўлмаган феъл ўзаклари билан бирикса, ясама сўзда ясовчи ўзакнинг асосий урғуси иккинчи даражали урғуга айланади, ва -ation суффиксининг биринчи бўғини асосий урғу олади. Агар феъл ўзагида товушсиз е ҳарфи бўлса, у ҳолда у ҳам тушиб қолади:

inform [ɪn'fɔ:m] - information [ɪnfə'meɪʃən], [kwout] - quotation [kwou'teɪʃən]

Агар феъл ўзаклари уз таркибида бирорта урғусиз префикс олган бўлса, у ҳолда ясама сўзда шу префиксининг унли товуши иккинчи даражали урғу олади ва ўзакнинг урғули бўғини урғусиз бўғинга айланади: inform [ɪn'fɔ:m] - information [ɪnfə'meɪʃən]

-ate кўшимчали феъл негизларидан мавҳум отлар яшашда қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:

Биринчидан, **-ate** суффиксининг товушсиз унли е ҳарфи тушиб қолади ва -ion суффикси қўшилади: congratulate - congratulation.

Иккинчидан, **-ate** суффиксли негизнинг асосий урғуси ясама сўзда иккинчи даражали урғуга айланади, ва -ation товушлар комплексининг биринчи бўғини асосий урғу олади:

administrate [sd'mmɪstreɪt] - administration [əd.mɪnɪs'treɪʃən] -fication суффикси ёрдамида **-ify** суффиксли феъл негизларидан мавҳум отлар яшашда, **-ify** суффиксининг охирги унлиси ясама сўзда *i* га айланади ва [i] деб талаффуз этилади, ва бутун комплекс [lkeɪʃən] талаффузини олади: intensify [ɪn'tensɪfaɪ] - intensification [ɪntensɪfɪ'keɪʃən].

-ment суффиксли ясама отлар. -ment суффикси (< L. -mentum) XII асрда француз тилидан феъллардан ясалган мавхум отлар билан ўзлаштирилган.

Замонавий инглиз тилида -ment суффикси фақатгина феъл ўзакларидан мавхум отлар ясай олади:

Ўзакдан англашилган фаолиятни амалга ошириш ҳаракати ёки шу фаолиятни амалга оширилганлиги ҳақидаги далил, факт маъносини. Бундай ҳолларда -ment фаол, ҳаракатдаги маъноли иш-ҳаракатни англатувчи ўтимли феъл ўзаклари билан бирикади. Масалан: anointment 'дори суртиш, мойлаш (яра, жароҳатни)' (қиёсл. to anoint 'мойламоқ дори суртмоқ (жароҳат ва шу каби)' ва бошқалар.

Ақлий ёки ҳис-туйғуга оид ҳолат маъносини ифодаловчи феъллардан мавхум отлар ясаб, -ment суффикси ўзак ифодалаган нарсасдек ҳолатда, сифатда ёки вазиятда бўлиш маъноларини билдиради. Бунда -ment суффикси билан бирикадиган феъл ўзаклари мажхул ёки анча кам ҳолларда нейтрал ҳарактер касб этади.

Масалан: amazement 'ҳайрон бўлиш' ('state of being amazed') (қиёсл. to amaze 'ҳайрон қолдирмоқ') ва ҳоказо.

Шуни қайд қилиш аҳамиятлики, бу гуруҳдаги мавхум отларнинг кўписида -ment суффикси бир вақтнинг ўзида икки маънони ифодалайди, яъни айнан бир вақтнинг ўзида -ment суффикси иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилганлигини ёки ҳолат маъноларини англатиши мумкин. Бунинг яққол сабаби шундаки, бундай сўзлар анча илгари ясалган бўлиб, ва ўз тараққиёти жараёнида бир қатор қўшимча маъноларга эга бўлди. Масалан: nourishment 'овқат, овқатланиш, овқатлантириш' ('act of nourishing or state of being nourished').

Ўзак кўрсатган нарса билан боғлиқ моддий, ашёвий, (конкрет) муайян нарса маъносини: embarkment 'мустаҳкамланган қирғоқ, дамба, кўтарма, ўйиб

ясалган баландлик' (киёсл. to embark 'тўғон (ғов) билан буғмоқ, тўсиб қўймоқ') ва бошқа.

Юқорида қайд қилинганидек, -ment суффикси фаол маъноли иш-харакатни англатувчи ўтимли феъллар ва мажхул ёки нейтрал маъноли ақлий ёки ҳис-туйғуга оид ҳолат маъноли феъл ўзаклари билан бирика олади.

Бундай феъллар, одатда, ўзига хос махсус ташқи белгилари билан ажралиб туради. Биринчидан, бу иккинчи бўғини урғу олган икки бўғинли феъл ўзакларидир: commandment, concernment.

Иккинчидан, -ment билан бирикадиган кўпгина феъл ўзаклари таркибида en-, em-, be-, -le, -er, -ish ва бошқа аффикслар бўлади. Масалан: punishment, settlement, bewitchment ва бошқа кўпгина сўзлар.

-ment суффиксининг феъл ўзакларига қўшилиши баъзи бир график ўзгаришларга сабаб бўлади: ундошдан кейин турган, охирги унли товуш "y", "i" га айланади ва унга -ment суффикси қўшилади. Масалан: embody— embodiment.

-ment суффикси фонетик ўзгаришларга сабаб бўлмайди, агар advertise-advertisement каби ҳолларни ҳисобга олмайдиган бўлсак, яъни бунда феълнинг урғули унли товуши i ясама отда [i] деб талаффуз этилади ва урғу иккинчи бўғинга тушади. Бундай сўзлар ҳали қадимги даврлардаёқ ўзлаштирилганлиги сабабли, улар мана шундай ўзгаришларга учраган.

-ment сермахсул суффикс, бироқ, у махсулдорлик даражасига кўра -ation суффиксига нисбатан анча пастроқ

-ery суффиксли ясама отлар. XII аср бошларида инглиз тилига -arie суффиксли французча сўзлар кириб кела бошлади: robbery < О. F. roberie 'босқинчилик, ўғрилиқ, талаш' ва ҳоказо.

Ўзига хос тарзда, француз тилидан жуфтлик сўзлар ўзлаштирилди: -ery (-ry) суффиксли ясама сўзлар, ва француз тилида уларнинг ўзакларидан шу суффикслар ёрдамида отлар ясалган сўзлар. Масалан: carpentry - carpenter, robbery—robber.

Шунинг учун инглиз тили негизида янги сўзлар яшаш икки йўл билан амалга ошди: ёки carpenter—carpentry усулида, бунда -ery (-ry) суффикси -er шахс оти ясовчи қўшимчаси билан бирлашиши натижасида -ery суффиксини ҳосил қилган, ёки spice—spicery усулида, бунда -ery (-ry) суффикслари сўз ўзаклари билан бевосита бирикади.

Инглиз тилида ушбу суффикс икки формасининг (-ery ва -ry) мавжудлиги фонетик сабаблар билан изоҳқланади.

-ery шакли бир бўғинли ўзаклардан отлар яшаш учун қўлланилади: cookery 'пазандалик' (< cook 'овқат пиширмак') ва бошқа кўпгина сўзлар.

Бир бўғинли сўзлар товушсиз е ҳарфи га тугалланган ҳолларда -ry шакли қўлланилади: goosery 'ғозхона' (< goose 'ғоз').

Агар ушбу суффикслар ёрдамида отлар ясаладиган бир бўғинли сўзлар да қисқа унли бўлса, у ҳолда охирги ундош иккиланади: hennery 'товуқхона, товуқ катаги' (< hen 'товуқ') ва бошқалар.

-ry шакли бирдан ортик бўғиндан иборат бўлган ва урғуси охирги бўғинга тушмайдиган ўзаклар билан бирикади. Бу хилдаги сўзлар, одатда, d, t, l, n, sh ундошларига тугалланади. Бундан ташқари, ушбу суффикс бирикадиган ўзаклар урғули унлига ёки дифтонгга тугалланадиган ҳолларда -ry шакли қўлланилади. Масалан: heraldry 'геральдика, гербшунослик'; Englishry '(жамловчи маъно) инглиз кишилари гуруҳи'.

Дастлаб -ery (-ry) суффикслари фақат от ўзаклари билан бириккан. Бирок кўпгина -er суффиксли шахс отлари феъллардан ясалганлиги сабабли, кейинчалик -ery (-ry) ёрдамида феъл ўзакларидан ҳам сўзлар ясала бошланди. Замонавий инглиз тилида, -ery (-ry) суффикслари аксарият ҳолларда от ўзакларидан янги сўзлар ясайди.

Ҳозирги кунда -ery (-ry) суффикслари, янги сўзлар ясаб, қуйидаги маъноларни англатади:

Ўзак кўрсатган кишиларнинг коллективи, жамоаси, умумийлиги, муштараклигини (жамловчи маъно). Бундай ҳолларда -ery (-ry) шахс оти ўзакларига бирикади. Масалан: soldiery 'солдатлар ва аскарлар', peasantry 'деҳконлар' ва бошқа кўпгина сўзлар.

Ўзакдан англашилган нарса, предметларнинг мажмуи (жамловчи маъно). Бундай маъноли -ery (-ry) суффикслари аниқ нарса ёки предметларни англатувчи конкрет отларга қўшилади: jewelry 'жавохирот, қимматбаҳо зийнат буюмлар', соорегу 'бочкасимон буюмлар' ва бошқалар.

Ўзакдан англашилган ўзига хос сифат, ахлоқ, юриш-туриш ёки ҳатти-ҳаракат маъносини. Бундай маъноли -ery (-ry) феъл ўзаклари билан бирикиши мумкин (агар у ўзига хос ахлоқ, юриш-туриш ёки ҳатти-ҳаракат маъносини англатса). Мана шундай маъноли -ery (-ry) билан бирикадиган сифат, от ва феъллар жуда кўп ҳолларда менсимаслик, илтифотсизлик, калондимоғлик маъно бўёқдорлигига эга бўлади: treachery 'сотқинлик, хиёнат; аҳдини бузиш', foolery 'ахлоқлик, ахлоқона иш, ҳатти-ҳаракат' ва бошқа кўпгина сўзлар.

Шуни қайд қилиш аҳамиятлики, касб-хунар маъносини ифодаловчи -ist қўшимчали негизлардан -ery (-ry) ёрдамида ясалган отлар тилда менсимаслик (камситиш) маънолари билан қўлланилмайди. Масалан, қуйидаги -ery (-ry) суффикслари билан ясалган сўзлар маъноларини қиёсланг: palmistry 'хиромантия, фолбинлик', chemistry 'химия' ва шу кабилар.

Ўзакдан англашилган предметлар ишлаб чиқариладиган, нарсалар ясаб тайёрланадиган, ҳайвон, жониворлар боқиб, парвалиш қилинадиган, ўсимликлар экиб ўстириладиган (культивация қилинадиган) жой маъносини билдиради. Бундай маъноли -ery (-ry) суффикслари қуйидаги маъноли от ўзаклари билан бирикади: а) ҳайвон, қуш ёки ўсимлик; б) (конкрет) муайян предметлар (турли ишланган нарса, буюм, маҳсулотлар ва шу кабилар) Масалан: swannery 'оққуш, қув сақланадиган хона, каталак, сунъий ҳовуз', pottery 'кулолчилик ишхонаси' ва бошқалар.

Бундай маъноли -ery (-ry) суффикслари инглиз тилининг америка вариантыда кенг оммалашди: cakery, sweetery, beanery.

Баъзи сўзларда -ery (-ry) суффикслари бир неча маънога эга бўлиши мумкин, масалан:

Pottery 1) сопол (фаянс) буюмлар; 2) кулолчилик 3) кулолчилик устахонаси, -ery (-ry) суффиксининг бундай кўп маънолилиги икки сабаб билан изоҳланади: **биринчидан**, бундай сўзлар анча олдин ясалган, ва ўзининг мавжудлиги даврида бир қатор қўшимча маъноларга эга бўлган, **иккинчидан**, -ery (-ry) бирикадиган ўзакларнинг ўзи кўп маъноли.

-асу суффиксли ясама отлар. -асу суффиксли дастлабки сўзлар инглиз тилига XIV асрда кириб келди, шу билан бирга -ate ва -асу суффиксли жуфтлик сўзлар турли вақтларда ўзлаштирилган. Масалан: prelate (1205), - prelacy (1325).

Бундай жуфтликлар -ate суффиксли сифатлардан -асу суффикси ёрдамида отлар яшада (намуна) қолип вазифасини бажарди, чунки бу вақтга келиб катта миқдорда **-ate** суффиксли сифатлар (ўтмишда сифатдош II), уларга мос **-асу** суффиксли отларсиз тилга кириб келди.

Шу туфайли -асу суффикси амалда роман тилидан келиб чиққан -ate суффиксли ҳар қандай сифатдан отлар ясаган.

-асу суффикси ўзи ясаган отга ясама сўз ўзаги кўрсатган сифат ёки ҳолатнинг мавҳум маъносини беради. Масалан: immaculacy (1799) 'озодалик, поклик, бенуқсонлик'.

-асу суффикси гуруҳ, умумийлик, жамоа, коллективни англатиб жамловчи маъно ҳам ифодалаши мумкин. Бундай ҳолларда у шахснинг фаолият турини англатувчи -ate суффиксли отлар билан бирикади. Масалан: delegacy (1533) 'делегация, делегатлар, вакиллар', piracy 'денгиз қароқчилиги, қароқчилик'.

Democrat-democracy, aristocrat-aristocracy (этимологик жиҳатдан бу грекча сўзлар) каби жуфтлик отларга келсак, улар француз тили орқали инглиз тилига кириб келди ва инглиз тили негизида -асу суффиксли отлардан -at суффиксли

янги сўзлар ҳосил қилиш учун қолип вазифасини ўтади, бироқ аллақачон қайтадан сўз яшаш усули ёрдамида ("back-formation")¹². Масалан, aristocracy-aristocrat, democracy-democrat сўзларига ўхшатиб инглиз тили негизида қайтадан сўз яшаш йўли билан diplomat < diplomacy, plutocrat < plutocracy ва бошқа сўзлар ясалди.

-age суффиксли ясама отлар. XIII асрда француз тилидан инглиз тилига -age суффиксли кўплаб сўзлар кириб келди: baronage 'баронлар, баронлар ёки пэрлар тоифаси, табақаси, баронлик унвони' ва бошқалар.

Одатда, -age суффикси ижтимоий табақа, ёки ўрин, аҳвол, мартаба, унвон ва шу кабиларнинг мавҳум жамловчи маъносини беради. (қиёсл. pupilage 'ўқувчилик, шогирдлик', readerage 'китобхонлар' (collectivity of readers).

Сўзларнинг бундай семантик гуруҳлари билан бирикиб, -age суффикси кўшимча маъно ифодалаши мумкин 'ўзакда кўрсатилган кишилар рўйхатини'. Масалан: knightage, baronetage ва б.

Жамловчи маъноли -age суффикси (конкрет) муайян предметларни англатувчи жонсиз от ўзаклари билан бирикиши мумкин: cellarage 'ер тула, ер тўлада сақланадиган нарса, ер тўлада сақлаш ижара ҳақи'.

Айни шу (жамловчи) маъноси билан -age суффикси кўпинча (узунлик, оғирлик, электр ва х.к.) улчов бирликларини англатувчи от ўзаклари билан бирикади. Масалан: percentage, voltage (XIX асрда) ва б.

-age суффикси бирор бир алоқа тури орқали жунатиш, юбориш ҳаракатини ёки "ўзак кўрсатган ҳолат, вазиятда бўлишлик" маъносини ифодаловчи ҳоллар ҳам учрайди. -age суффиксли қуйидаги отларнинг маъноларини қиёсланг: portage 'юкларни ташиш' (қиёсл. ўзбекча. юкларни транспортда ташиш), problemage 'проблематика, проблемалар мажмуи' ва бошқалар.

Ўрта инглиз тили даврида француз тилидан arrivage 'етиб келиш' ва arrive

¹ Marchand, Hans. Указ. соч., стр. 178.

'етиб келмоқ' каби жуфтлик сўзлар ўзлаштирилган эди. Бу жуфтликларга ўхшатиб инглиз тили негизида -age суффикси ёрдамида ўзлаштира ва инглизча феъл ўзакларидан бир қатор отлар ясалган эди. Бундай ҳолларда -age иш-ҳаракатнинг бажарилишини ёки бажарилганлиги ҳақидаги далил, факт маъноларини ифодалайди. Масалан: stowage 'жойлаш, ўраш, саранжомлаш; сандиқ, қутти'.

Кўпинча иш-ҳаракатнинг натижаси маъноли -age суффикси учрайди: breakage 'синиш, бузилиш; синиқ, бузуқ'.

-age суффикси турган жойи, ўрни маъносини ифодалаши мумкин: moorage 'кема, дирижабль ва шу каби боғлаб қўйиладиган жой' (to moor 'причалга боғлаб қўйилмоқ (кема, дирижабль кабиларни тўхташ жойига) боғлаб қўймоқ' феълидан).

-age суффиксли отларнинг асосий гуруҳини shortage ('етишмовчилик, камлик') ва шу каби ясовчи ўзаклари сифатлар бўлган ясама сўзлар ташкил этади¹.

-age суффиксли ясама отлар одатда илмий-техникавий адабиёт тилида ишлатилади. Натижали маъноли -age суффиксли сўзлар кўпинча умумистеъмол тилида учрайди.

Аффиксация - инглиз тилида сўз яшашнинг асосий усулидир. Турли тилшунос олимлар бу соҳага ўз нуқтаи назарини билдирган. Замонавий инглиз тилида шу тилга хос бўлган ва бошқа тиллардан ўтиб келган аффикслар жуда кўп учрайди. Аммо уларнинг барчаси ҳам сўз ясовчи элемент вазифасини ўтамайди¹³.

Академик В.В. Виноградовнинг ёзишича ўзининг маъносини йўқотган аффикслар у ёки бу сўз туркумининг формал қисмини кўрсатувчи элемент вазифасини ўтайди.

Масалан, академик В.В. Виноградовнинг таъкидлашича: -ant, -ent, -ine, -in, -ile, -id, -ute, -ete каби аффикслар бошқа тиллардан ўтиб сўз туркумларини бир-

биридан ажратиш учун хизмат қилади. Қуйидаги аффикслар ичида четдан келиб қолган суффикслар учрайди: -able, -ible, -ac, -age, -an, -ean, -ine, -ary, -ory. Аффикслар иккига бўлинади. Булар префикслар ва суффикслар. Префикслар ёрдамида сўз яшаш префиксация дейилади. Ҳозирги замон инглиз тилида префикслар воситасида от яшаш суффиксацияга кўра кенг ривожланган. Ундан ташқари бу усулда ясалган сўзлар бир вақтнинг ўзида суффикслар ёрдамида ҳам ясалган бўлиб, фақат префикслар туфайлигина янги отлар ясалади дейиш қийин¹⁴. Масалан:

a - an atheist атеист

anti - an anti-fascist антифашист

arch - an archbishop архиепископ

co-ed - студентка

ex - an ex - champion собик; чемпион

hypo - a hypocrite -икки юзламачи

post - a post - graduate аспирант

vice - a vice president -вице президент

proto - a prototype -прототип

fore - a forecaster -об-ҳаво айтиб берувчи

for - a forbear -аждод

super - a superman -супер одам

Инглиз тилидаги префикслар полисемик хусусиятга эга. Бундай префикслар ёрдамида ясалган сўзлар англатган маънодаги фарқ эса аффикс орқали эмас, балки яшаш асоси орқали аниқланади. Шунинг учун бундай хусусиятга эга бўлган аффикс полисемантик аффикс, бундай тил ҳодисасини эса аффиксал полисемия дейиш мумкин. Ясовчи аффиксининг бир туркумга хос бўлган хилма-хил маъноли сўз яшаш ҳодисасини аффиксал полисемия дейиш

¹ Карашук Б.А. «Словообразование английского языка» М. 1977. стр. 35.

мумкин¹⁵. Масалан: со - ed студентка (шахс оти);
co-education - ҳамкорликда ўқиш (мавҳум оти);
anti-fascist антифашист (шахс оти)
anti - aircraft зенит қуроллари (нарса қурол оти);
post graduate аспирант (шахс оти);
postcard открытка (нарса - қурол оти),
superman супер одам (шахс оти),
superficialism юзақилик (мавҳум оти).

Кўриб турибмизки, шахс оти ясовчи префикслар ҳам нарса-қурол, ҳам мавҳум от ясаяпти.

Ўзбек тилида шахс оти ясовчи префикслар йўқ. Истисно сифатида тожик тилидан қабул қилинган ҳам- префиксини айтиш мумкин.

Ҳам- префикси -дош суффикси билан синонимик муносабатда бўлади: фикрдош-ҳамфикр, суҳбатдош-ҳамсуҳбат.

Суффикслар. Инглиз тилидаги от ясовчи суффикслар маъноси, келиб чиқиши ва ҳар хил ўзакли отларга қўшилиш ҳарактерига кўра турли гуруҳларга бўлинади. Масалан, келиб чиқишига кўра улар соф инглиз тилига ёки герман тилларига оид ва бошқа тиллардан олинган суффиксларга бўлинади. Соф инглиз (ёки герман) суффиксларига қуйидаги суффикслар киритилади.

-er : reader укувчи, speaker сўзловчи, нотик; - dom kingdom қироллик ;
-ess : waitress официант аёл,
-hood, -ing, -ship, -ness ва бошқалар.

Бошқа тиллардан олинган суффиксларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:
-ant: participant иштирокчи, -ee : examinee имтихон топширувчи, -ese : Chinese хитойлик, -ist : marxist марксист, -ancy, -ency, -ment ва бошқалар.

¹ Буронов Ж. ва бошқалар «Инглиз тили грамматикаси» Т. 1978. Б. 74.

¹ Реформатский А.А. «Введение в языкознание» М. 1955. Стр. 82-83.

Суффикслар маъносига кўра ҳам турлича, яъни турли семантик гуруҳларни ташкил қилади. Уларни шахс отларини, предметлар номини, мавҳум тушунчаларни ясовчи ва бошқа суффиксларга бўлиш мумкин. Префикслар сўз маъносини ўзгартиради бироқ сўз туркумини ўзгартирмайди.

М : forecaster об-хаво айтиб берувчи (от, шахс оти) fore-finger кўрсаткич бармоқ (от, нарсa-курол)

Ўз навбатида суффикслар бир сўз туркумидан бошқа сўз туркумининг ясалишида хизмат қилади¹⁶:

Шахс отлари ясалишида энг самарали суффикслар -er, -or ҳисобланади. Бу суффикслар феъл ўзагига қўшилиб ундан англашилган иш-ҳаракатни бажарувчи шахс оти ясайди. -er - қадимги инглиз тилида бу қўшимча ёрдамида от ва феълдан, маълум иш билан шуғулланувчи шахс оти ясалган.

М: cartere (хоз. carter) - возчик
writere (х,оз. writer) - ёзувчи

Ҳозирги кунда у ривожланиб шахс оти яшадан ташқари, нарсa-буюм оти ҳам ясайди¹⁷.

М: roller - валик

knocker - эшик молотоги hanger - вешелка

Ўзбек тилида у -гар, -кор, -бон, -шунос, -соз, -дор (чорвадор - breeder) - хур каби эквивалентларига эга.

[noun+er] [от+ er] farmer - фермер gardener- боғбон [verb + er] [феъл + er]
writer ёзувчи trainer тренер teacher ўқитувчи -or - ҳозирги инглиз тилида феъллардан шахс оти ясайди. Шунингдек -or қўшимчаси роман тилларидан узлашган сўзлардан янги сўз яшаш хусусиятига эга. -or қўшимчаси ёрдамида нарсa-буюм отларини, фан-техникага оид феъллар асосига қўшиш орқали ясаймиз.

Одатда бу физика, химия, техникага оид ва бошқа терминлардир¹⁸.
Масалан: generator - генератор indicator - индикатор radiator, refrigerator ва
бошқалар. [verb + er]

Creator -яратувчи

Actor -актер

corrector -тўғриловчи

Sailor- денгизчи

Jeweler – заргар

cotton-grower –пахтакор

gardener -боғбон

watch-maker -соатсоз

cattle-breeder -чорвадор

meat - eater -гўштхўр

pigeon - fancier -каптарбоз

elector -сайловчи

agitator -агитатор

-er ва -or дан фарқли ўларок -ee суффикси ёрдамида, феъл асос ишора қилаётган шахс оти ясайди, яъни иш-ҳаракат йўналтирилган шахсни ифодалашда хизмат қилади. Объект бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин, бу унинг феъл ўзидан кейин қандай давомийликни талаб қилишига боғлиқ.

М: lessee -ижарачи

trainee -ўрганувчи

trustee -ишончли шахс

detainee -қамалган

examinee -имтиҳон қилинаётган шахс

¹ Бўронов Ж. ва бошқалар «Инглиз тили грамматикаси» Т. 1978. Б. 67.

Telephonee -телефон қилинаётган шахс

Ўзбек тилидаги -чи қўшимчасига ўхшайди.

-ist ҳозирги инглиз тилида ҳам қадимги роман тилларида ҳам бу қўшимча от, исм асосидан шахс номларини ясайди.

Бу қўшимча ёрдамида ясалган шахс отлари актив ҳаракат қилаётган шахсни ифодалайди¹⁹.

Масалан: machinist, educationist, Darwinist, pacifist. Motorist моторчи, manicurist маникюрчи, technologist технолог, naturalist табиатшунос, ўзбек тилида -чи, -кор, -гар, -шунос эквивалентларига эга.

Замонавий инглиз тилида -man суффикслар қаторига киритилиб, бундай сўзлар кўплаб учрамоқда. Масалан: hammerman темирчи, болғачи, horseman чавандоз, chinaman хитойлик. -man ўзбек тилида -бон, -гар, -кор, -чи каби эквивалентларга эга.

-ent opponent оппонент, рақиб -ster criticaster танқидбоз -ese

Vietnamese вьетнамлик, -ier cashier кассир

-ling suckling чақалоқ, princeling шахзодача

-ie (ey, y) darky негр, rookie чақирувчи (армия), softy ахлоқ

-by idleby ялқов, ишёқмас

-monger panicmonger ваҳимачи -wright playwright драматург

-ive conservative консерватив

-ard coward қўрқоқ

-ix, -trix directrix директор (аёл), prosecutrix прокурор (аёл)

-ant participant иштирокчи

-ock warlock сеҳргар

-ic comic комик, critic критик.

¹ Бўронов Ж. ва бошқалар «Инглиз тили грамматикаси» Т. 1978. Б. 69.

¹ Ilyish B.A. "The Structure of Modern English" М. 1971. Р. 120.

Ўзбек тилида ҳам инглиз тилидаги каби аффиксация усулида ясовчи асосга махсус аффикс қўшиш орқали от ҳосил қилинади. Бу усул ҳозирги ўзбек тилида от ясалишининг энг фаол, энг маҳсулдор усулларида бири ҳисобланади. Аффиксация усули билан от яшашда от, феъл, сифат, равиш ва бошқа туркум сўзлари асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра бу отлар уч турга бўлинади:

- 1) от асосидан ясалган отлар;
- 2) феъл асосидан ясалган отлар;
- 3) бошқа сўз туркумларидан (сифат, равиш, сон, таклидий сўз кабилардан) ясалган отлар. Ўзбек ва инглиз тилларида бу хусусиятлар ўхшаш.

От асосидан ясалган отлар. Бу турдаги ясалишда асос бўлиб от сўзлар хизмат қилади. Бундай ясалмаларнинг маъноси ҳар вақт яшаш асосининг маъноси билан боғланган, ундан ўсиб чиққан бўлади. Бу хилдаги ясама отларда яшаш асосининг маъноси билан боғлиқ равишда шахс, нарс ва ўрин-жой, ҳар хил мавҳум тушунчалар ифодоланиши мумкин²¹.

Шахс отлари жуда катта тўдани ташкил қилади, англатган маъноларининг хилма-хиллиги, ясовчи аффиксларнинг кўплиги, маҳсулдорлиги билан бошқа тўдадаги отлардан ажралиб туради. Бу отлар соф ўзбекча аффикслар ҳамда бошқа тиллардан (асосан тожик тилидан) қабул қилинган ясовчи морфемалар воситаси билан ясалади. Бу аффикслар от негизига қўшилиб "шуғулланувчи" маъносини англатувчи шахс отларини ясайди. Ҳозирги ўзбек тилида шахс отлари қуйидагича ясалади:

-чи Бу аффикс энг фаол от ясовчи бўлиб, барча сўз туркумларидан (бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлардан ҳам) от яшашга хизмат қилади: ишчи, тарихчи, жангчи, бўзчи, бўёқчи, сувчи, қизикчи, маърузачи, табелчи, хизматчи, ёлғончи, тракторчи, пулемётчи, хайбаракаллочи каби.

¹ Арнольд И. В. «Лексикология современного английского языка» М. 1959. стр. 66.

¹ Арнольд И. В. «Лексикология современного английского языка» М. 1959. стр. 68.

-чи аффикси полисемантик хусусиятга эга. Бу аффикс орқали ясалган отнинг хилма-хил маънолари бевосита яшаш асосининг маъноси билан боғланган. Бу типдаги ясама отлар:

а) шахснинг яшаш асоси англатган нарса билан шуғулланишини (темирчи, бўёқчи, сувоқчи, сувчи, тунукачи, қўшиқчи);

б) иш-ҳаракатни яшаш асоси англатган нарса воситасида бажаришини (найчи, чилдирмачи, дуторчи, кетмончи, машиначи, ўроқчи, карнайчи, тракторчи, шахматчи);

в) яшаш асосидан англашилган нарсани яратиш, яшаш билан шуғулланишни (тақачи, эгарчи, каштачи, бўзчи, пичоқчи, сандиқчи);

г) шахснинг касб-хунар, турлича мутахассислик, шунингдек, фан-техниканинг хилма-хил соҳалари бўйича машғул бўлишини (колхозчи, тарихчи, луғатчи, денгизчи, разведкачи, йилқичи, футболчи);

д) шахснинг бирор белги, ҳолат, хусусияти билан ажралиб туришини (жанжалчи, кекчи, лофчи, ҳасадчи, тухматчи, фитначи, гиначи, ғалвачи, ваҳимачи);

е) шахснинг бирор коллективга, ижтимоий ташкилотга муносабатини (исёнчи, динамочи, пахтакорчи, миллатчи) ва бошқа жуда кўп маъноларни англатган отлар ясайди.

Инглиз тилидаги -er суффиксига кўпроқ ўхшаб кетади.

Бундан ташқари -or, -ee, -ist, -ant, -ic, -ian каби эквивалентларига ҳам эга.

-дош яшаш асосидан англашилган нарса, соҳа бўйича биргалик, яқинлик, баробар алоқадорлик маъносидаги шахс оти ясайди: ватандош, қуролдош, тенгдош, фикрдош, мактабдош, суҳбатдош, йўлдош каби²². Бу аффикс орқали ясалган отлар ўрин, макон жиҳатидан (синфдош, мактабдош), пайт жиҳатидан (замондош, тенгдош, асрдош) ва белги, ҳолат, хусусият жиҳатидан (суҳбатдош, сирдош, оҳангдош, фикрдош) шахсларнинг биргалиги, тенг алоқадорлиги маъноларини англатади.

-дош аффикси маъно жиҳатидан тожик тилидан қабул қилинган ҳам-аффикси билан синонимлик муносабатда бўлади: фикрдош-ҳамфикр, суҳбатдош-ҳамсуҳбат каби. Аммо бу аффиксларни ҳамма вақт параллел ҳолда бири ўрнига иккинчисини ишлатавериш мумкин эмас. Жумладан, мусобақадос, йўлдош дейилади, аммо ҳаммусобақа, ҳамйўлдош дейилмайди, аммо ҳамшаҳар, ҳамдарад дейилади, лекин шаҳардош, дарддош дейилмайди.

Бу аффикс орқали айрим илмий атамалар ҳам ясалади: сифатдош, равишдош, ундош.

Инглиз тилида com- compatriot префикси -man countryman ватандош, -er interlocutor суҳбатдош каби эквивалентларига эга .

-гар бу аффикс яшаш асосида ифодаланган нарсга бўйича шахснинг касб-хунарини билдирадиган от ясайди: заргар, савдогар, мискара, совунгар, кимёгар каби.

Инглиз тилида -ock warlock сеҳргар, -er, -ist jeweler заргар каби эквивалентларига эга.

-кор яшаш асоси англатган нарсани етиштирувчини, шу нарсга билан шуғуullanувчини ифодаладиган от ясайди: ғаллакор, пахтакор, санъаткор, сабзаваоткор, шоликор каби. Мавҳум тушунчаларни билдирган отларга кўшилганда, шахснинг белги, ҳолат, хусусият кабиларга муносабатини ифодаловчи от ясайди: хизматкор, бинокор, мардикор, фидокор, фусункор. Инглиз тилида -er эквивалентига эга. (-ist)

-бон яшаш асосидан англашилган нарсгага эга ёки шу нарсанинг сақловчиси, кўриқловчиси бўлган шахсни билдирувчи от ясайди: боғбон, дарвозабон,

¹ Арбекова Т.И. «Лексикология английского языка» М. 1977. стр. 49-50.

саройбон, тарозибон каби.

Инглиз тилида -er gardener -man каби эквивалентларига эга.

-дор боғдор, мухрдор, чорвадор, мулкдор (-er) -шунос табиатшунос, адабиётшунос, заршунос (-ist) -фуруш мевафуруш, дуппифуруш, носфуруш (er) -боз каптарбоз, беданабоз, киморбоз, дорбоз (-er, -ie) -хўр чойхўр, гўштхўр, паловхўр (-er)²⁴ -паз ошпаз, каллапаз, сомсапаз, мантипаз -соз соатсоз, кемасоз, аравасоз, асбобсоз (-er) -дз махси дўз, дўппидўз, этикдўз, каштадўз (-er) -каш меҳнаткаш, сураткаш, ҳазилкаш (-er) -хон китобхон, ғазалхон, шерхон (-er) -гўй насиҳатгўй, маслахатгўй, хушомадгўй (-or) -ий Навоий, Авлоний, Бухорий, ¹ Ҳабибий -вачча холавачча, аммавачча, тоғавачча

-шунос, -фуруш, -парвар, -хўр, -паз, -дўз, -боз, -бон, -дор, -соз, -хон, -гўй каби ясовчи аффикслар тожик тилида мустақил сўз асосидан иборат бўлиб, ўзбек тилида ясовчи аффикс (аффиксоид) сифатида хизмат қилади.

М: - шунос, -шунохтан, -фуруш -фурухтан, -боз -бозидан, -хўр - хўрдан, - паз - пухтан. Феъл асосидан ясалган шахс отлари (verb+af) -дак югурдак. Сифат асосидан ясалган шахс отлари (adj+af) -чи қизикчи, эскичи, аълочи

Инглиз ва ўзбек тилларида ясовчи аффикслар уч турга бўлинади:

- 1) унумли аффикслар;
- 2) кам унум аффикслар;
- 3) унумсиз аффикслар;

Рус тилида қабул қилинган реалист, редакция, студент, аспирант, директор сингари сўзлар таркибидаги -ист, -изм, -қия, -ант (-ент) -тор кабилар ўзбек тилида сўз ясовчи аффикслар қаторига киритилмайди. Бундай сўзлар ўзбек тилида морфемаларга ажратилмайди, балки яхлит бир сўз сифатида қаралади.

Синонимик аффиксларнинг турли асосларга қўшилиб сўз яшаш даражаси ҳам бир хил эмас. Жумладан, маҳсулдор -чи аффикси турли маъно англатган

Турсунов У. ва бошқалар «Ҳозирги ўзбек адабий тили» Т1992. Б. 105.

шахс оти ясагани ҳолда, унинг синоними сифатида келган - шунос аффикси асосларгагина қўшилиб шундай отлар ясайди. Шунингдек, -шunos аффикси қўшилган барча асосларга -чи аффикси ҳам бир хилда қўшила олмайди. Масалан: адабиётчи ва адабиётшunos, тарихчи ва тарихшunos, лекин буёқчи, хизматчи (-шunos аффиксини қўиб бўлмайди), шарқшunos, тупроқшunos, ўлкашunos (-чи аффикси қўшилмайди). -чи аффикси тожик тилидан қабул қилинган -шunos, -кор, -каш каби аффикслар билан синонимлик муносабатида бўлади: тилчи ва тилшunos, адабиётчи ва адабиётшunos; қасосчи - қасоскор, чилдирмачи - чилдирмакаш каби²⁶.

Турсунов У. Ва бошқалар "Ҳозирги ўзбек адабий тили" Т. 1992. Б. 108.

¹ Турсунов. У ва бошқалар «Ҳозирги ўзбек адабий тили» Т. 1992. Б. 94.

П.2.Ўзбек тилида отларининг аффиксация усули билан ясалиши

Бу усул — от ясалишининг энг махсулдор усули. -чи. Бу аффикс от ясовчилар ичида энг активдир. У асосан от туркумига оид сўзлардан от ясайди. Кейинги вақтларда фан, техника ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши билан бу аффикснинг сўз яшаш доираси ҳам ниҳоятда кенгайди: *физкультурачи, миномётчи, рекордчи, монтажчи, кабелчи, лугатчи, гимнастикачи, текстилчи* ва ҳоказо. Бу аффикс шахс билдирувчи отлар ясайди. Бундай отларнинг семантик хусусиятлари -чи аффикси қўшиладиган асос ва шу аффиксга хос хусусиятнинг таъсирида шаклланади. Бу хил отлар умумий маъноларига кўра бир неча группани ташкил этади:

1. Бирор касб, мутахассислик билан шуғулланувчи шахсни билдирувчи от ясайди: *нефт + чи, спорт + чи, сув + чи, трактор + чи, чойхона + чи, магазин + чи, буфет + чи* ва ҳоказо.

Касб, ҳунар, машғулотнинг умумий кўринишлари ва атама (ном)лари бўлиш билан бирга, уларнинг турли тармоқлари, соҳалари ва буларнинг ҳам атамалари бор.

1) -чи аффикси касб-ҳунар, машғулотнинг умумий атамаларини билдирувчи сўзларга қўшилиб, шу касб, соҳага мансуб шахс отларини ясайди: *спорт + чи, санъат + чи, чорва + чи, қурув + чи* каби;

2) шу касб, ҳунар, машғулотнинг конкрет соҳаси билан шуғулланувчи касб отини ясайди.

Қиёсланг: *санъат + чи* (умумий атама);

— *қўшиқ + чи, дутор + чи, чанг + чи, чилдирма + чи, ўйин + чи* (махсус, конкрет атама);

¹ Турсунов У. ва бошқалар «Ҳозирги ўзбек адабий тили» Т.1992. Б. 121.

жанг + чи, фронт + чи (умумий атама)

— *танк + чи, пулемёт + чи, миномёт + чи* (конкрет атама);

қурув + чи (умумий) — *бетон + чи, сувоқ + чи, буёқ + чи, монтаж + чи* (конкрет атама);

спорт + чи (умумий) — *футбол + чи, теннис + чи, штанга + чи, кураш + чи, хоккей + чи, баскетбол + чи* (конкрет атама);

чорва + чи (умумий) — *қуй + чи, мол + чи, йилқи + чи* (конкрет атама) ва ҳоказо.

-чи аффикси касб-хунар, фаолиятнинг маълум бир соҳасини билдирувчи отларга қўшилиб, турли маънодаги отлар ясайди:

а) асосдан англашилган нарсa-предметни юзага келтирувчи (ясовчи) шахс оти ясайди: *кашта + чи, сандиқ + чи, тақа + чи, печка + чи, эгар + чи, бўз + чи, муқова + чи, пичоқ + чи* ва ҳоказо.

Ипак + чи, сабзавот + чи типдаги сўзлар ҳам худди шу турга мансубдир. Чунки булар ҳам асосдан англашилган нарсани етиштириш билан шуғулланувчи шахсни билдиради;

б) асосдан англашилган иш-ҳаракатни бажарувчи, шу касб билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: *буёқ + чи, сувоқ + чи, карикатура + чи, заготовка + чи, разведка + чи, табел + чи, таноб + чи, уисоб + чи, пайванд + чи, грим + чи, бичиқ + чи, иқтисод + чи, ихтиро + чи* каби.

-чи аффикси ҳаракат - ҳолатни эмас, конкрет нарсa-предметларни билдирувчи отларга қўшилганда ҳам, шу маънодаги от ясай олади. Лекин шундай ҳолларда ҳам -чи аффикси қўшилган от конкрет нарсани (предметни) эмас, балки шу нарсa-предмет билан боғлиқ бўлган ҳаракат- ҳолат (процесс) маъносини ифодалайди: *тунука + чи, сув + чи, электр + чи* каби. *Сабаб + чи, восита + чи* сўзлари ҳам -чи аффиксининг ана шу вазифаси асосида ясалган;

Асосдан англашилган иш-ҳаракат, фаолиятда қатнашувчи шахс оти ясайди: *инқилоб + чи, жанг + чи, исён + чи, ҳашар + чи, музокара + чи.*

Курортчи, сайрчи, обуначи, иттифоқчи каби сўзлар ҳам -чи аффиксининг ана шу вазифаси асосида ясалган.

Иш-фаолиятда бирор оқим, маслак ва шу кабилар тарафдори, шуларга мансуб бўлган шахсни билдирувчи от ясайди: *искра + чи, республика + чи, мухторият + чи.*

-шунос. Бу аффикс асосдан англашилган соҳанинг мутахассисини билдирувчи от ясайди: *адабиёт+шунос, тил + шунос, тарих+шунос, ўлка + шунос, муסיқа + шунос.*

-кор. Бу аффикс: 1. Асосдан англашилган нарса-предметни етиштириш билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: *пахта + кор, лавлаги + кор, шоли+кор, галла + кор.*

2. Мавҳум отларга қўшилганда улардан англашилган иш-ҳаракат билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: *мадад + кор, хиёнат+кор, гуноҳ + кор, тажовуз + кор, ташаббус-кор, ижод+кор, хизмат+кор* каби.

-дўз. Асосдан англашилган нарса-предметни тайёрловчини англатадиган шахс оти ясайди: *этик + дўз, махси + дўз, мўйна + дўз, дўппи + дўз.*

-гар. Асос билдирган нарса-ҳодиса билан боғлиқ касбни қилувчи шахсни билдирадиган от ясайди: *зар + гар, совун + гар, савдо + гар.*

-соз. Асосдан англашилган предметни яратувчи, тузатувчини англатадиган от ясайди: *соат + соз, станок + соз, асбоб + соз.*

-паз. Овқат-таом билдирувчи сўзларга қўшилиб, ундан англашилган таом турини тайёрловчи (пиширувчи) шахсни билдиради: *кабоб + паз, ош + паз, сомса + паз, манти + паз* каби.

-боз. 1. Асосдан англашилган иш-ҳаракат билан кўп шуғулланувчи, шунга берилган шахсни англатувчи от ясайди: *мажлис + боз, ариза + боз, машиат + боз, сафсата + боз, ваъда + боз, группа+боз* каби. *Аския + боз, масхара + боз, майна+боз* сўзлари ҳам -боз аффиксининг худди шу маъноси асосида ясалган.

2. Конкрет нарса-предметларни билдирувчи сўзларга қўшилганда, шу сўзлар билдирган нарсалар билан (иш, касб) доимий шуғулланувчини билдирадиган от ясайди: *қўғирчоқ + боз, каптар + боз, бедана + боз*.

Хуллас, шахс оти ясовчилар ичида энг активи -чи аффикси бўлиб, бу аффикс ўзбек тилининг ўз сўзларидан ҳам, бошқа тиллардан кирган сўзлардан ҳам от ясай олади. Айниқса сўнгги пайтларда шахс отлари яшашда шу аффиксдан кенг фойдаланилмоқда. Қолган шахс оти ясовчи аффикслар санокли сўзлардангина шахс оти яшашда иштирок этади. Айримлари эса (масалан, -гар, -дўз, -каш каби аффикслар) аввалдан маълум бўлган санокли сўзлар доирасидагина қўлланилиб, янги пайдо бўлаётган шахс отларининг ясалишида ишлатилмайди.

-чилик. Бу аффикс отлар, белги билдирувчи сўзлар, -в аффиксли ҳаракат номи ва -(а)р аффиксли айрим сифатдошлардан қуйидаги умумий маъноли отлар ясайди: 1. Асосдан англашилган нарса етиштириладиган соҳани билдиради: *пахта + чилик, уруғ + чилик, чорва + чилик, шоли + чилик, галла + чилик, полиз + чилик, узум + чилик, мева + чилик* каби.

Бундай сўзларда -чи ва -лик аффикслари мустақил аффиксдай туюлади. Масалан, *уруғчилик* сўзи *уруғчи* сўзидан ясалгандай кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Касб эгасини билдирувчи сўзга -лик аффиксининг қўшилишидан касб оти ясалади. -чилик ёрдамида эса соҳа оти ясалади. Қиёсланг: *ўқитувчи+лик* — касб; *пахта + чилик* — қишлоқ хўжалигининг пахта етиштириш соҳаси. Шунинг учун ҳам касб эгасини билдирувчи *пахтакор, сабзавоткор* каби сўзларга -лик аффиксини қўшиш йўли билан соҳа отлари ясаб бўлмайди («пахтачилик» маъносида *пахтакорлик* сўзи қўлланилмайди).

Асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг борлиқ ҳолатини англатади: *пишиқ+чилик, тўкин + чилик, қаттиқ + чилик, қуруқ + чилик, қиммат + чилик, арзон + чилик, келишмов + чилик, мўл + чилик*.

Асосдан англашилган нарса билан боғлиқ бўлган ҳолатни билдиради:

улфат + чилик, тирик + чилик, майнабоз + чилик, ўртоқ + чилик каби.

-зор. Асосдан англашилган нарса (экин, дарахт ва ҳоказо) кўп бўладиган жойни билдиради: *гул + зор, пахта + зор, лола + зор, ўрик+зор, дарахт + зор, ажриқ+зор.*

-лоқ. Бу аффикс *қум, тош, ўт* каби предметларни англатувчи сўзларга қўшилиб, шу предметлар кўп бўладиган жойни билдирувчи от ясайди: *ўт+лоқ, қум + лоқ, тош + лоқ.*

-истон. Миллат номини билдирувчи сўзларга қўшилиб, улар англатган миллат яшайдиган жойни, шу миллатга қарашли ҳудудни ифодаладиган от ясайди: *Ўзбек + истон, Тожиқ + истон, Туркман + истон. Қабр + истон, Гул - истон* каби сўзлар ҳам -истон аффиксининг шу маъноси асосида ясалган.

Юқорида таҳлил қилинган от ясовчилардан ташқари ўзбек тилида яна қуйидаги префикс ва суффикслар орқали қатор отлар ҳосил қилинади. Булар: -хур, -параст, -гўй, -дор, -бон, -фуруш, -дош, ҳам-, -лик, -чилик, -гарчилик, -истон, -дон, -хона, -обод ва бошқалар.

Хуллас, ўзбек тилида ясама отлар суффиксация ва префиксация воситасида ҳосил қилинади. Этимологик жиҳатдан ўз ва ўзлашма кўринишларга эга. Энг фаол сўз ясалиши суффиксациядир.

II боб бўйича хулоса

Хуллас, шахс оти ясовчилар ичида энг активи -чи аффикси бўлиб, бу аффикс ўзбек тилининг ўз сўзларидан ҳам, бошқа тиллардан кирган сўзлардан ҳам от ясай олади. Айниқса сўнгги пайтларда шахс отлари яшашда шу аффиксдан кенг фойдаланилмоқда. Қолган шахс оти ясовчи аффикслар санокли сўзлардангина шахс оти яшашда иштирок этади. Айримлари эса (масалан, -гар, -дўз, -каш каби аффикслар) аввалдан маълум бўлган санокли сўзлар доирасидагина қўлланилиб, янги пайдо бўлаётган шахс отларининг ясалишида ишлатилмайди.

-чилик. Бу аффикс отлар, белги билдирувчи сўзлар, -в аффиксли ҳаракат номи ва -(а)р аффиксли айрим сифатдошлардан қуйидаги умумий маъноли отлар ясайди: 1. Асосдан англашилган нарса етиштириладиган соҳани билдиради: *пахта + чилик, уруғ + чилик, чорва + чилик, шоли + чилик, галла + чилик, полиз + чилик, узум + чилик, мева + чилик* каби.

Бундай сўзларда -чи ва -лик аффикслари мустақил аффиксдай туюлади. Масалан, *уруғчилик* сўзи *уруғчи* сўзидан ясалгандай кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Касб эгасини билдирувчи сўзга -лик аффиксининг қўшилишидан касб оти ясалади. -чилик ёрдамида эса соҳа оти ясалади. Қиёсланг: *ўқитувчи+лик* — касб; *пахта + чилик* — қишлоқ хўжалигининг пахта етиштириш соҳаси. Шунинг учун ҳам касб эгасини билдирувчи *пахтакор, сабзавоткор* каби сўзларга -лик аффиксини қўшиш йўли билан соҳа отлари ясаб бўлмайди («пахтачилик» маъносида *пахтакорлик* сўзи қўлланилмайди).

Асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг борлиқ ҳолатини англатади: *пишиқ+чилик, тўкин + чилик, қаттиқ + чилик, қуруқ + чилик, қиммат + чилик, арзон + чилик, келишмов + чилик, мўл + чилик*.

Асосдан англашилган нарса билан боғлиқ бўлган ҳолатни билдиради: *улфат + чилик, тирик + чилик, майнабоз + чилик, ўртоқ + чилик* каби.

-зор. Асосдан англашилган нарса (экин, дарахт ва ҳоказо) кўп бўладиган жойни билдиради: *гул + зор, пахта + зор, лола + зор, ўрик+зор, дарахт + зор, ажриқ+зор*.

-лоқ. Бу аффикс *қум, тош, ўт* каби предметларни англатувчи сўзларга қўшилиб, шу предметлар кўп бўладиган жойни билдирувчи от ясайди: *ўт+лоқ, қум + лоқ, тош + лоқ*.

-истон. Миллат номини билдирувчи сўзларга қўшилиб, улар англатган миллат яшайдиган жойни, шу миллатга қарашли ҳудудни ифодаладиган от ясайди: *Ўзбек + истон, Тожик + истон, Туркман + истон. Қабр + истон, Гул - истон* каби сўзлар ҳам -истон аффиксининг шу маъноси асосида ясалган.

Юқорида таҳлил қилинган от ясовчилардан ташқари ўзбек тилида яна қуйидаги префикс ва суффикслар орқали қатор отлар ҳосил қилинади. Булар: -хур, -параст, -гўй, -дор, -бон, -фуруш, -дош, ҳам-, -лик, -чилик, -гарчилик, -истон, -дон, -хона, -обод ва бошқалар.

Хуллас, ўзбек тилида ясама отлар суффиксация ва префиксация воситасида ҳосил қилинади. Этимологик жиҳатдан ўз ва ўзлашма кўринишларга эга. Энг фаол сўз ясалиши суффиксациядир.

III боб. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЯСАМА ОТЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

3.1. Инглиз ва ўзбек тилларида ясама отларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари

Юқоридаги бобларда инглиз ва ўзбек тилларига хос сўз ясовчи усуллар, шу жумладан, от ясовчи аффикслар ҳақида алоҳида-алоҳида фикр юритдик. Ва уларга хос хусусиятлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдик. Ишимизнинг бу ўрнида ҳар иккала тилга хос бўлган сўз яшаш усуллари, хусусан от ясовчи аффиксларнинг мазмун-моҳияти, қўшилиш ўрни ҳақида қиёсий-чоғиштира мисоллар келтирамиз.

Умуман олганда, қиёсланаётган тилларда отлар қуйидаги олти усул билан ҳосил қилинади:

1. семантик усул (конверсия)
2. фонетик усул
3. лексик - синтактик усул
4. композиция усули
5. аффиксация усули
6. аббревиация

С е м а н т и к у с у л

Инглиз

answer - жавоб

to answer - жавоб бермок

clean - тоза

to clean - тозаламок

Ўзбек тилида семантик усул билан сўз яшаш ўта шартлидир. Бундай усулда сўз яшашга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: тош - камень (**от**), тош - қайнаб чиқмок (**феъл**); ич - ички қисм (**от**), ич (**феъл**) - ичмок каби. Бу усулда полисемантик сўзлар орасидаги маъно ипи узилиб омонимлик ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида бир сўз туркумининг бошқа сўз туркумига кўчиши натижасида янги сўз ясалади. Катта - **сифат**, катта - **от**; семиз - сифат, семиз от.

Ф о н е т и к у с у л

Инглиз тилида урғунинг ўрнини ўзгартириш билан:

increase ['inkri:s] - ўсиш, кўпайиш to increase [in'kris] - кўпаймоқ export ['eksport] - экспорт to export [iks'po:t] - экспорт қилмоқ

Ундош товушлар алмашинуви йўли билан:

advice [ed'vais] - маслахат to advise [ed'vaiz] - маслахат бермоқ life [laif] - ҳаёт to live [liv] - яшамоқ

Унли товушлар алмашинуви ёрдамида:

song [song] - ашула, қўшиқ sing [sing] - куйламоқ, қўшиқ; айтмоқ food [fu:d] - овқат feed [fi:d] - овқатлантирмоқ, овқатланмоқ.

Ўзбек тилида урғу воситасида сўз ясалади: янги - ҳозир (равиш), янги тоза, (новый) (сифат), 'олма - феъл (ҳаракат), олм'а - от (мева), қатлама - овқат (от), қатлама - ҳаракат (феъл).

Унли ва ундош товуш алмашиниши усули: **кўр — кўз, ака - ука;**

Унли товушларни чўзиш орқали: **силамоқ — сийламоқ.**

Товушларни иккилантириш усули билан: **қатик — қаттик.** Товушларнинг бирини тушириш билан: **сол ~ ол, тошмоқ — ошмоқ.** Товушларнинг ўрнини алмаштириш билан: **сиқ — қис, чук - куч.**

Лексик - синтактик

Инглиз

forget - me - not - бўтакўз (гулнинг номи).

stick - in - the mud - ғайратсиз, суст, кам ҳаракат.

Ўзбек тилида сўз қўшиб сўз яшаш усулига яқин турган типлардан **бири** лексик-синтактик усулдир. Бунда сўз бирикмаси ёки гаплар таркибидаги

элементларнинг қўшилиб кетиши натижасида янги сўз пайдо бўлади: Ўзи билармон, ҳолбуки, бари бир каби.

Композиция

Инглиз

newspaper (газета): news (янгиликлар) + paper (коғоз).

headache (бош оғриғи): head (бош) + ache (оғрик).

Ўзбек тилида, асосан, қўшма отлар ясалади: отқулоқ, томорқа, Мирзачўл, гулхайри, тошқўмир.

Аббревиация

Инглиз

Лексик аббревиатура: a d : advertisement, frig: refrigerator.

График аббревиатура: anti - meridium / a - m.

save our souls / Sos.

Қоришиқ сўзлар: pomato: potato + tomato.

cablegram: cable + telegram.

Ўзбек

График аббревиатура: БМТ, ГДР.

Қоришиқ сўз: Ўздавнашр - Ўзбекистан давлат нашриёти; Райижроком -

Район ижроия комитета

Аффиксация

Инглиз

Префиксация:

en - : rich (бой) - enrich (бойитмоқ;) (сифат - феъл).

Суффиксация:

-full : beauty (чирой) - beautifull (чиройли) (от - сифат).

Ўзбек 1. Префиксация: бе -: бе + одоб (от — сифат) беодоб.

2. Суффиксация:

-чи: қизик + чи (сифат ~ от) қизикчи.

3.2. Тил тизими ҳар хил бўлган тилларда ясама отлар

Энди от яшашнинг ҳар иккала тилдаги аффиксация усулига тўхталадиган бўлсак, бу усул ҳар иккала тил тизими ҳар хил бўлган тилларда сўз ясалишининг энг маҳсулдор усули эканлигини кўрамыз.

Юқорида қайд қилганимиздек, ўзбек тилида от ясовчи қўшимчалар қўшилиш ўрнига кўра олд (префикс) ва сўнг (суффикс) қўшимчалар қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

Худди шу ҳол инглиз тилида ҳам мавжуд, яъни отлар префикс ва суффикслар воситасида ясалади.

префикслар

суффикслар

инфикслар

Масалан: Суффиксларнинг вазифасини от сўз туркуми мисолида олиб қарайдиган бўлсак, инглиз ва ўзбек тилларида суффикслар қандай маъноли от ҳосил қилганлигига кўра, шахс оти ясовчи суффикслар, нарсa-оти ясовчи ... ва ҳоказоларга ажратилади.

Қуйида от ясовчи аффиксларга қиёсий мисоллар келтирамиз. Ишнинг моҳиятини янада тўлиқроқ англаш учун ҳар иккала тилдаги аффиксларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб урганимиз:

С У Ф Ф И К С А Ц И Я Шахс оти

Инглиз тили

-er: foreign+er (сифат-от) хорижлик, forty-nin+er (**сон-от**) 49 ёшли одам, work+er (**от-от**) ишчи, hunt+er (**феъл-от**) овчи.

¹ Реформатский А.А. Введение в языковедение. «Просвещение». М., 1967. Стр.268-269.

-or: counsel+er (ф-от) counsellor маслахатчи, lubricate+or (ф-от) lubricator - автомашинани ёғловчи, мойловчи ишчи.

-ite: Ibsen+ite (от-от) Ибсен тарафдори, city+ite - шаҳарлик киши.

-ee: detain+ee (ф-от) маҳбус, қамокда сақланаётган одам.

-ist: natural+ist (сифат-от) табиатшунос, натуралист, machine+ist (от-от) machinist машинист.

-man: bookman (от-от) ўқимишли одам, олим, китоб сотувчи

Ўзбек тили

-чи: кашта+чи (от-от) каштачи, беш+чи (сон-от) бешчи, уч+увчи (ф-от), кизик+чи (сифат+от) қизикчи.

-дор: мулк+дор (от-от) .ор

-кор: пахта+кор (от-от) і : -ор

-соз: соат+соз (от-от) сс : :

-шунос: санъат+шунос (от-от) санъатшунос

-гар: савдо+гар (от-от)

-вул: қара+вул (ф-от) қоровул

Инглиз тили

-or: refrigerate+or (ф-от) холодильник, совутгич.

-er: fann+er (ф-от) веялка, шамолмашина (дон совурадиган машина), to fan - янчилган донни елиб (шопириб) тозаламоқ.

-ister: ban+ister (ф-от) тутгич, даста (трамвай, эскалаторда), тўсик, панжара (зинада).

-ite₂: robur (куч) + ite (от-от) портловчи модда, Haue₂ + ite (от-от) олтингугуртли марганец.

-ery: cutler (пичок буюмлари сотувчи савдогар) + ery (от-от)

cutlery - пичок; буюмлари. Ўзбек тили

-дон: туз+дон (от-от) туздон

-ак: варр+ак (таклид сўз - от) варрак

-к: эла+к (ф-от) элак

-ги: супур+ги (ф-от) супурги

-поя: зина+поя (от-от) зинапоя

Инглиз тили

-ory: laborat+ory (ф+от) laboratory ижодхона

-ery: bake+ гу (ф-от) bakery нон дўкони (магазини), нонвойхона

hen+ery (от-от) henney товуқхона, товуқ катаги.

Ўзбек тили

-лоқ: Ўтлоқ + (от " от) Ўтлоқ

-зор: гул + зор (от - от) гулзор

-ок: ёт + ок (ф - от) ётоқ –

гоҳ: сайл + гоҳ, (от - от) сайлгоҳ,

-лик: жар + лик (от - от) жарлик

Мавхум отлар

Инглиз тили

-ness: wild+ness (сифат-от) wildness - ёввойилик

-ery (-гу): cook (пиширмоқ)

ery (ф-от) пазандалик, husband+ry (от-от) қишлоқ хўжалиги, ғаллакорлик, деҳқончилик.

-hood: brother+hood (от-от) биродарлик, дўстлик, beastle+hood (сифат- от) beastlihood - ярамас иш, разолат, маданиятсизлик.

-dom: king+dom (от-от) киролик, artist+dom (от-от) санъаткор, рассомлар олами, мухити, ораси.

-ship: chairman+ship (от-от) раислик лавозими, мансаби, ropeman+ship (от-от) дорбозлик санъати.

-ism: deafmute+ism (қўшма сифат-от) deafmutism - гунглик, кар- соқовлик, real+ism (сифат-от) ҳақиқийлик, реаллик.

-ity: necessary+ity (сиф-от) necessity - кераклик, зарурият. clear (аниқ, тиник) + ity (сиф-от) clarity - аниқлик, тиниқлик

Ўзбек тили

-арчилик (ар+чилик): оч+арчилик (сиф-от) очарчилик **-гарчилик**

(гар+чилик): одам+гарчилик (от-от) одамгарчилик **-iyat (iy+at):**

-от: ҳисоб+от (от-от) ҳисобот, ажойиб+от (сиф-от) ажойибот.

-ги: сев+ги (ф-от) севги

-лик: тез+лик (**равиш-от**) тезлик, манман+лик (**олмош-от**) манманлик, тўрт+лик (**сон-от**) тўртлик.

-чилик (чи+лик): йўқ+чилик (**модал сўз-от**) йўқчилик

ПРЕФИКСАЦИЯ Шаҳс оти

Инглиз тили

fore-: fore+father (от-от) forefather - бобокалон, forecaster-об-хавони айтиб берувчи.

anti-: anti-fascist (от-от) антифашист **ex-:** ex-champion (от-от) собиқ чемпион

mid-: mid+wife (от-от) midwife - доя

proto-: proto+parent (от-от) protoparent - ота-бобо, авлод-аждо

vice-: vice-dean (от-от) декан ўринбосари

sub-: sub-officer (от-от) кичик офицер

co-: co-author (от-от) ҳамавтор, ҳаммуаллиф.

Ўзбек тили

ҳам-: ҳам + шаҳар (от-от) ҳамшаҳар

Инглиз тили

sur-: surcoat (от-от) енгсиз нимча

peri-: (атрофида, яқинида) peri+helion (от-от) perihelion - Қуёшга (атрофидаги) яқин бўлган планета, peri+anth (от-от) perianth-гулкоса.

fore-: fore+head (от-от) forehead пешана, fore+finger (от-от) forefinger-кўрсаткич бармоқ.

per-: (ёрдамида, воситасида, ичида, устида) per+ambulator (от-от) per-ambulator
коляска, болалар аравачаси.

counter-: counter+wall (от-от) counterwall - қарама-қарши турган девор.

Ўзбек тилида префиксация усули билан нарса-қурол оти ясалмайди.

Ўрин-жой отлари

Инглиз тили

sub-: sub + way (от-от) subway - ер ости йўли

under-: under + ground (от-от) underground - метрополитен

under + pass (**фeъл**-от) underpass - **ер** ости йўли

Ўзбек тили

пеш-: пеш + айвон (от-от) пешайвон,

пеш + тахта (от-от) пештахта

Мавҳум отлар

Инглиз тили

counter-: counter+influence (от-от) counterinfluence - қарши таъсир

inter-: inter+community (от-от) intercommunity -ўзаро бирлик (уюшма)

mal-: mal+administration (от-от) maladministration-нотўғри бошқариш

neo-: neo+colonialism (от-от) neocolonialism-янги мустамлака.

pre-: pre+history (от-от) prehistory - ўтмиш тарих

auto-: auto+biography (от-от) autobiography - таржимаи хол.

Ўзбек тилида префиксация усули билан мавҳум от ясалмайди.

И Н Ф И К С А Ц И Я Замонавий инглиз ва ўзбек тилларида инфиксация усули билан янги маъноли сўз ҳосил қилинмайди.

Булардан ташқари инглиз ва ўзбек тилларида ўзак ва аффиксал морфемалар қўшилишида қуйидаги типологик ўзгаришлар содир бўлиши кузатилди.

Инглиз тили **аналитик-флектив** тил типига мансублиги сабабли, ўзак ва аффиксал морфемалар ўзаро агглютинатив ҳамда фузион усуллар билан бирикади:

Агглютинация усулида аффиксал ва ўзак морфемалар ўзаро қўшилади:

Teach+er, read+er, move+ment, prefer+ence, utter+ence, free+dom, child+hood, friend+ship, break+age, great+ness, teach+ing, act+or, dull+ard, bragg+ess, novel+ist, rebug+ee, Japan+ese.

Фузия усулида аффиксал ва ўзак морфемалар ўзаро қўшилиши билан:

<i>Long - length</i>	<i>[o:]----- [e] + th</i>
<i>Divide - division</i>	<i>[ai]----- [i] + ion</i>
<i>Strong-strength</i>	<i>[o:] ----- [e] + th</i>
<i>Progress - progression</i>	<i>[s] ----- [\] + ion</i>
<i>Devine - divinity</i>	<i>[ai]----- [i] + ity</i>
<i>Realize - realism</i>	<i>[ai]----- [i] + ism</i>
<i>British -Briticism</i>	<i>[\] ----- [s] + ism</i>
<i>Identify - identification</i>	<i>[ai] ----- [i] + ation</i>

Мисоллардан кўриниб турибдики, аффиксал ва ўзак морфемалар ўзаро қўшилганда икки хил фузия содир бўлади: ички ва ташки. Ички фузия ҳодисаси рўй берганда аффиксал морфема ўзак морфемага қўшилиш жараёнида ўзак ичида ўзгариш рўй беради:

Long - length, strong - strength.

Ташқи фузия ҳодисаси аффикс ўзак морфемага қўшилганда содир бўлади, яъни ўзак охиридаги фонема ўзгаради: *realize - realism, beautify - beautification, British - Briticism.*

Ўзбек тили **агглютинатив тил** бўлганлиги сабабли, ўзак ва аффиксал морфемалар асосан агглютинация усули билан бириксада, бироқ ўзак ва аффиксал морфемаларнинг ўзаро фузион бирикиш усули ҳам мавжуд.

Аффиксал ва ўзак морфемалар ўзаро қўшилганда на ўзак ва на аффиксал морфемалар ўзгаради, яъни **агглютинация усулида** от ясалади:

гул - дон, иш - чи, синф - дош, савдо - гар, пахта - кор, мулк - дор, адабиёт-
- шунос, Ўзбек - истон, ором - гоҳ, қовур - ма, бола -лик, қиш -лоқ, беа - к.

Фузия усулида аффиксал ва ўзак морфемаларнинг ўзаро қўшилиши натижасида қуйидаги отлар ясалади :

Қорин - қариндош [о].....- [а] + дош

тара - тароқ [а] ----- [о] + қ

туе - тугон [с]----- [г] + он

сўра - сўров [а]----- [о] + в

бўя ~ бўёқ [я] ----- [ё] + қ

мақта - мақтов [а]----- [о] + в

сайла - сайлов [а] ----- [о] + в

III Боб бўйича хулоса

Инглиз тилидаги мавҳум от ясовчи қўшимчалар ўзбек тилига нисбатан кенгрок ишлатилишини кузатдим, мавҳум от ясовчи қўшимчалар **-al, -ation, -tion** лар билан ясалган отлар ўзбек тилига аффиксиз туб сўзлар сифатида таржима қилинади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги мавҳум от ясовчи қўшимчалар грамматик жиҳатдан кўпчилиги мос келади. Айниқса ўзбек тилидаги мавҳум от ясовчи **-лик** қўшимчасининг инглиз тилидаги кўп вариантга эга эканлиги аниқланди.

Инглиз тилида от ясовчи қўшимчаларнинг кўплари грек, лотин, итальян, айниқса француз тилларидан ўтган бўлиб, улар ўзбек тилига рус тили орқали ўтганлиги ва ҳар икки тилда ҳам фаол қўшимча сифатида ишлатилаётганини аниқладик.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги от ясовчи аффикслар (колиплар)ни чоғиштириб ўрганиш шу тилларга хос хусусиятларни янада чуқуррок ўрганишга, уларнинг моҳиятини англашга кўмаклашади.

Қардош ва қардош бўлмаган тилларда сўз ясалиши, жумладан, от ясалишини янада кенгрок ўрганиш навбатдаги вазифаларимиздан биридир.

ХУЛОСА

Сўз ясалиши кандайдир усул билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилишдир.

Биз таҳлил ва тадқиқ қилган инглиз ва ўзбек тилларида олти хил усул билан янги сўз ҳосил қилинади. Шулар орасида аффиксация усули фаолдир.

Аффиксация усулида от яшашда қиёсланаётган тилларда семантик жиҳатдан шахс отлари, мавҳум отлар, ўрин-жой отлари деярли бир хил ҳосил қилинган.

Қиёсланаётган тиллардаги от ясовчи аффикслар қўшилиш ўрнига кўра ўзаро фарқланади. Инглиз ва ўзбек тилларида аффикслар қўшилиш ўрнига кўра префикс ҳамда суффикс ҳарактерида бўлади. Ушбу тилларда ясама сўзлар префиксация ва суффиксация усуллари билан ҳосил қилинади ва булар сўз ясалишининг фаол усуллари ҳисобланади. Чунки ўзбек тилида ясама сўз мустақил маъноли туб сўздан ясалади. Масалан: work+er, иш+чи.

Ҳар иккала тилда аффиксал морфемаларнинг ўзак морфемаларга ўзаро қўшилиши натижасида ички ва ташқи фузия усули билан от яшаш мазкур тилларнинг типологик хусусиятларига киради.

Инглиз тили Ҳинд-Европа тиллари қаторига кирадиган **аналитик-флектив** тилдир.

Е.Д.Поливанов ўзининг "Литературный русский язык в сопоставление с ўзбекском языком" китобида агглютинатив тилларни аналитик тиллар, флектив тилларни синтетик тиллар қаторига киритади.

Флектив тилларда грамматик ва янги лексик маъноларни ифодалаш жараёнида ўзак, негиз ва сўз ичида фонетик ўзгаришлар рўй беради. Бунда аффиксал морфема ажратиб олинса, сўз ташқи қиёфасини ўзгартиради ва мустақиллигини йўқотади.

Агглютинатив тилларда грамматик ва янги лексик маънолар, ўзак, сўз чегарасидан ташкарида ўз ифодасини топади: **teach - teach+er, king - king+dom, гул+дон, тинч+лик.**

Аффиксал морфемалар ўзакдан ажратилганда сўз ўзининг ташқи қиёфасини ўзгартирмайди ва уз мустақиллигини йўқотмайди. Мустақил туб сўз сифатида тилда мавжуд бўлаверади. Ўзбек тилида эса фузия усулида аффиксал морфемалар ва ўзак морфемалар қўшилиши натижасида от яшаш кам унумлидир, чунки ўзбек тили агглютинатив тиллар қаторига киради. От яшадаги агглютинация усули ўзбек тилига хосдир.

Ҳар иккала тилда аффиксация усули билан от ясалишида лексик - семантик ва грамматик хусусиятларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга уриндик.

Лексик-семантик жиҳатдан ҳар иккала тилда ҳам 1.Шахс 2. Нарса-қурол 3. Ўрин-жой 4. Мавҳум от ясовчиларга бўлинади, аммо инглиз тилидаги от ясалиши ўзбек тилидагидек унчалик сермахсул эмаслиги кўзга ташланади.

Айниқса шахс ва нарса-қурол отлари ўзбек тилида, инглиз тилига нисбатан кенгроқ ва кўпроқ ишлатилишини кузатдик. Инглиз тилидаги талайгина шахс оти ясовчи суффикслар лексик-семантик жиҳатдан ўзбек тилидаги шахс оти ясовчи қўшимчаларга мос келади.

-чи: <---- er, - **or**, - ee, - ite, -ist

-чи: (ўқитувчи-)

-чи: <— (соқчи -)

-дош: (муносабатдош -

Лексик- семантик жиҳатдан инглиз ва ўзбек тилларидаги шахс, ўрин-жой ҳамда нарса-буюм отларига мос келади. Шунингдек ўзбек тилидаги нарса-қурол оти ясовчи қўшимчалар серунум суффикслар ҳисобланиб, гарчи улар грамматик

¹ Е.Д.Поливанов "Литературный русский язык в сопоставление с узбекском языком" Петербург - 1936 стр189.

жиҳатдан инглиз тилидаги нарсa-курoл oти ясовчи қoлипларга мoс кeлмaсaдa, бирoқ лексик- семaнтик жиҳaтдaн мoс кeлaди. Мaсaлaн:

-дoн, -гич: туздoн, кoвлaгич, музлaтгич

-к, -aк: кўрaк, элaк.

-к: тaрoқ, тирнoқ.

-ги: супургич

-м, -им: ўрим, тўплaм, кийим.

-пoя: зинaпoя, гузaпoя. Бундaй қўшимчaларнинг инглиз тилидаги вaриaнтларини тoпa oлмaдим. Чунки бундaй қўшимчaлар инглиз тилидa дeярли ишлaтилмaс экaн.

Инглиз тилидаги мaвҳум oт ясовчи қўшимчaлар ўзбек тилигa нисбaтaн кeнгрoқ ишлaтилишини кузaтдим, мaвҳум oт ясовчи қўшимчaлар **-al, -a~~ti~~on, -tion** лaр билaн ясалгaн oтлар ўзбек тилигa aффикссиз туб сўзлар сифaтидa тaржимa қилинaди.

Инглиз вa ўзбек тилларидaги мaвҳум oт ясовчи қўшимчaлар грaммaтик жиҳaтдaн кўпчилиги мoс кeлaди. Айниқсa ўзбек тилидаги мaвҳум oт ясовчи **-лик** қўшимчaсининг инглиз тилидаги кўп вaриaнтгa эгa экaнлиги aниқлaнди.

Инглиз тилидa oт ясовчи қўшимчaларнинг кўплaри грек, лoтин, итaльян, айниқсa фрaнцуз тилларидaн ўтгaн бўлиб, улaр ўзбек тилигa рус тили oрқaли ўтгaнлиги вa ҳaр икки тилдa ҳaм фaол қўшимчa сифaтидa ишлaтилaётгaнини aниқлaдик.

Инглиз вa ўзбек тилларидaги oт ясовчи aффикслaр (қoлиплар)ни чoғиштириб ўргaниш шу тилларгa хoс хусусиятларни янaдa чуқуррoқ ўргaнишгa, улaрнинг мoҳиятини aнглaшгa кўмaклaшaди.

Қaрдoш вa қaрдoш бўлмaгaн тиллардa сўз ясaлиши, жумлaдaн, oт ясaлишини янaдa кeнгрoқ ўргaниш нaвбaтдaги вaзифaларимиздaн биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А Маънавий юксалиш йўлида. Т, "Ўзбекистон", 1998 йил.
2. Каримов И.А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ва бақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т, "Ўзбекистон", 1997йил.
3. Каримов И.А Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т, "Ўзбекистон", 1992 йил.

4. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

- 4.1. Россияда чоп этилган. Абрамов Б.А О моделирование семантических структур В кн.: Значение и смысл речевых образований. Калении, К.Г.У 1979.
- 4.2.Россияда чоп этилган. АмироваТ.А, Ольховиков Б.А,.Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики.М., Наука. Г.л.ред. вост. Лит. 1975.
- 4.3.Россияда чоп этилган. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика: Синонимические средства языка. М., Наука, 1974.
- 4.4.Россияда чоп этилган. Азнаурова. Э.С. Словообразованияи фразообразование. М., Наука, 1979
- 4.5.Россияда чоп этилган. Аракин.В.Д. Практический курс английского языка. М.1998.
- 4.6.Россияда чоп этилган. Алексеева А.С. Древнеанглийский. М.,1971.
- 4.7. Россияда чоп этилган. Аракин.В.Д. Очерки по истории английского языка. М., 1955.
- 4.8.Россияда чоп этилган. Арсеньева М.Г., Балашова С.П., Берков В.П., Соловьева Л.Н. Введение в германскую филологию. М., 1980.
- 4.9.Россияда чоп этилган. Бруннер К.А. История английского языка. М., 1953—1956.
- 4.10.Россияда чоп этилган. Буркалова В.В. Синтаксические структуры современного английского языка. М., Просвещение, 1984.

- 4.11. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Буранов Дж.Б. Сравнительная типология английского и тюрских языков. М., Высшая школа, 1983.
- 4.12. Россияда чоп этилган. Булыгина Т.В. Проблемы теории морфологических моделей. М., Наука, 1977.
- 4.13. Россияда чоп этилган. Брудный А.А. Значение слова и психология противопоставлений. В кн.: Семантическая структура слова. М., Наука. 1971.
- 4.14. Россияда чоп этилган. Бархударов А.С. Очерки по морфологии современного английского языка. М., 1975.
- 4.15. Россияда чоп этилган. Гак В.Г. К типологии лингвистических номинаций - В кн.: Языковая номинация: Общ, попр. М., Наука, 1977.
- 4.16. Россияда чоп этилган. Гальперин П.Я. Языковое сознание и некоторые вопросы взаимоотношения языка и мышления. ВФ, 1977, №4.
- 4.17. Россияда чоп этилган. Гумбольдт В.фон. О различии строения человеческих языков. В кн.: Звегинцев В.А. История языкознания и веков в очерках и извлечениях. М., Учпердгиз, 1960.
- 4.18. Россияда чоп этилган. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. М., Изд-во МГУ, 1973.
- 4.19. Россияда чоп этилган. Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М., Изд-во МГУ, 1976.
- 4.20. Россияда чоп этилган. Зятковский Р.Т. Суффиксальная система сов. англ. языка. Москва, «Высшая школа», 1971.
- 4.21. Россияда чоп этилган. Загоруйко А.Я. Конверсия - морфолого - синтаксический способ словообразования. Ростов, 1960, стр. 7,
- 4.22. Англияда чоп этилган. Matthews P.H. Morphology. Cambridge, 1974.
- 4.23. Англияда чоп этилган. Marchand H. The categories and types of present-day English word- formation. Ed. 2. Munchen, 1969.

- 4.24. Англияда чоп этилган. Oskar E. Psycholinguistics: historical aspects, methodological problems and selected topics in the field of language acquisition and multilingualism. - In: Proc. of the XIII th Intern. Congr. of Linguists. Tokyo, 1983.
- 4.25. Англияда чоп этилган. Rastorgueva T.A. History of the English Language. Moscow, 1972.
- 4.26. Англияда чоп этилган. Wunderlich D. Methodological remarks on speech act theory and pragmatics. Dordrecht: Reidel, 1980.
- 4.27. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Аъламова М. Ўзбек адабий тилининг бойиши. Т.: 1986.
- 4.28. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Т.: 1992.
- 4.29. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Қиличев Э. Ўзбек тили ономастикаси. Б.: 2002.
- 4.30. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Қиличев Э., Қиличев Б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Бухоро. 2002.
- 4.31. Ўзбекистонда чоп этилган. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т.: 1992.
- 4.32. Ўзбекистонда чоп этилган. Ғуломов А. Ўзбек тилида тарихий сўз ясаиши муаммолари. Т.: 1956.
- 4.33. Ўзбекистонда чоп этилган. Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. Т.: 1977.
- 4.34. Ўзбекистонда чоп этилган. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изохли луғати. Т.: 1985.
- 4.35. Ўзбекистонда чоп этилган. Ёқубжонова О. 5-синфда "Сўз ясаишни ўргатиш"ни ўргатиш. Т.: 1978.
- 4.36. Ўзбекистонда чоп этилган. Жўрабоева М.А. Ўзбек тилида аффиксал омонимия. Т.: 1993.

5. Илмий монография, мақолалар ва бошқа асарлар

- 5.1. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Ҳожиёв А. Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги қонунини амалга ошириш масалалари. Илмий-амалий конференция тезислари. Н.: 1993.
- 5.2. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Гулямов А.Г. О суффикс -даги в узбекском языке. ТошДУ асарлари, 21-чиқиши, 1964.
- 5.3. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Гулямов А.Г. О некоторых особенностях аффиксов с уменьшительно-ласкательным значением в узбекском языке, Научные труды ТашДУ, вып. 268. Т.: 1968.
- 5.4. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Дониёров Р., Косимов А. Терминология ва сўз ясалишининг айрим масалалари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журн., 1995, 4
- 5.5. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Дўсимов З. Топонимларнинг ясалиши масалалари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журн., 1980, 2.
- 5.6. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Дўстмуҳаммедов Ж. Сиёсий иқтисод терминлари ясалишининг баъзи усуллари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1973, 5.
- 5.7. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Ёкубова Н., Шарипова К. -лик аффиксининг семантик ва синтактик вазифалари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1975, 6.
- 5.8. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Журабоева М.А. Сўз ясалишининг функционал аспект муаммоларига доир. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг тараққиёт йўналишлари. Т.; 1990.
- 5.9. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Мамажонов А. От негизларидан сўз ясовчи аффикслар ҳақида. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1979, 5.
- 5.10. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Бердиалиев А. От ва сифат ясовчи -ма аффикси ҳақида. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1969, 6.

- 5.11. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Бердиалиев А. Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшма аффикслар. НДА, Т.: 1970.
- 5.12. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Бердиалиев А. Сўз ва атамаларни ҳосил қилишнинг баъзи назарий масалалари. Илмий-амалий конференция тезислари. Навоий, 1993.
- 5.13. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Бафоев Б. Навоий асарлари тилида -чи, -чилик морфемалари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1995, 2.
- 5.14. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Валиев Н. "Девону луғотит турк"да -чи аффиксининг от ясашига доир. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1964, 3.
- 5.15. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Залевская А.А. Вопросы организации лексикона человека в лингвистических и психологических исследованиях. Калинин, 1978.
- 5.16. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Қодирова Н. Ўзбек тилидаги -лик аффиксининг полифункционаллиги. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 2002, 1.
- 5.17. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Қодирова Н. Ўзбек тилидаги -чи аффиксининг полифункционаллиги. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 2001, 2.
- 5.18. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Қосимов Н. Техникавий термин ясовчи аффикслар синонимияси. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1974, 6.
- 5.19. Ўзбекистон республикасида чоп этилган. Қурбонова М. Ўзбек шеваларида -чи аффиксининг сўз ясовчилик хусусиятлари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журн., 1995, 1.
- 5.20. Японияда чоп этилган. Slama-Cazacu T. Psycho linguistics and linguistics - old relationships and promising prospects. - In: Proc. of the XIII the Intern. Congr. Of Linguists. Tokyo, 1983.

6. ИНТЕРНЕТ сайтлари:

- 6.1.[//](http://www.genderstudies.info/lingvo/lingvo1.php)
- 6.2.<http://itre.cis.upenn.edu/~myl/language-log/archives/003420.html>
- 6.3.<http://esciencenews.com/sources/science.daily/2010/10/04/how.gender.created.during.everyday.life.preschool>
- 6.4.<http://www.english-tika.info/podatki/razno/Gender>
- 6.5.www.science-direct.com
- 6.6.www.oxfordpicturedictionary.com
- 6.7.www.scopus.com
- 6.8.www.yourdictionary.com
- 6.9.www.english-zone.com
- 6.10.www.brainpop.com
- 6.11.www.sunburstmedia.com
- 6.12.www.longman.com
- 6.13.www.proteatextware.com.au